



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎШГАН ШАХСИЙ ҲИССАСИНИ ТОЖИКИСТОНДА ЖУДА ҚАДРЛАШАДИ. ЖОРИЙ ЙИЛ ОКТЯБРЬ ОЙИДА ТОЖИКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИЛАР. АҲАМИЯТЛИСИ, БИЗ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН АЙНАН ШУ ЙИЛДА МУНОСАБАТЛАРИМИЗНИ ИТТИФОҚЧИЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ БЎЙИЧА ТАРИХИЙ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИК.

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



1995 йил 10 июльдан бундан бошлаб www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



3 ИЮНЬ — «MILLIY TIKLANISH» ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН!

Сизлар тарихи буюк, бугуни нурафшон, истиқболи порлоқ замин **ФАРЗАНДЛАРИСИЗ!**

5



ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ САМИМИЙ МУЛОҚОТИ ХОРАЗМДА ДАВОМ ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокараларда икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган кўплаб келишувларга эришилди.

Ташрифнинг иккинчи куни олий мартабали меҳмон Хоразм вилоятига келди.

Хоразм вилоятида ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Давлатимиз раҳбари Урганч халқро Раҳмонни кутиб олди.

Миллий кўшиқ ва рақслар халқимизга хос меҳмондўстлик, очикўнгиллик ифодаси бўлди.

Шундан сўнг Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмон Президент Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Урганч шаҳридаги «UzXCMG» қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигидаги ушбу корхона 2014 йилда ташкил этилган. Лойиҳанинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалиги техникаларини йирик бўйинли йиғиш, иккинчисидан саноат усулида йиғиш, учинчисидан эса ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда бу ерда 13 хил экскаватор, 10 турдаги махсус техника ишлаб чиқарилмоқда. Сув хўжалиги, қурилиш ва йўл таъмирлаш соҳалари учун ўта зарур бўлган бундай техникалар илгари валюта эвазига хориждан келтирилган эди. Эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервисда кўп қийинчиликлар бор эди.

Қўшма корхонанинг ишга туширилиши бу заруратни ҳал этиш билан бирга вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, юртимиздаги ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида бажариш имконини бермоқда.

Шу кунга қадар корхонада халқаро стандартлар асосида 2 мингга яқин махсус техника ишлаб чиқарилган. Маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоиздан ошган. Энди маҳсулотларни чет элга, жумладан, қўшни мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилган. Экскаватор ва махсус техникалар буюртма асосида ишлаб чиқарилиши ҳам мумкин.

Тожикистонлик меҳмонлар заводдаги иш жараёнини, қишлоқ хўжалиги машиналари ва махсус техникаларни кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон Хива гилам комбинатида бўлди.

Умумий қиймати қарийб 22 миллион доллар бўлган ушбу корхона Самарқанддаги «Sam-Antep-Gilam» компанияси томонидан 2020 йилда ташкил этилган, ўтган йили лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилган. Комбинатга Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан ускуналар келтириб ўрнатилган. 420 та иш ўрни яратилган.

(Давоми 2-бетда)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



2022 йил 3 июнь куни Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чоратадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни олиш, уларни кўриб чиқиш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, халқимизнинг Конституцияни такомиллаштиришда фаол иштирок этиши унинг

халқчилигини таъминлайди. Шу боис, фуқароларга ўз таклифларини Конституциявий комиссияга замонавий воситалар, хусусан «Meningkonstitutsiyam.uz» электрон платформаси, қисқа рақамли колл-маркази, почта алоқаси, «Telegram» мессенжердаги махсус бот орқали юбориш имконияти яратилди. Шунингдек, таклифларни маҳаллалар ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига оғзаки ёки ёзма шаклда ҳам билдириш мумкин. Келиб тушаётган таклифлар

Конституциявий комиссиянинг таклифлар билан ишлаш гуруҳи томонидан кўриб чиқилган ҳолда сараланиб, Конституциянинг боблари йўналишлари бўйича таснифланмоқда. Йиғилишда Конституциявий комиссиянинг Йиғма ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилган ва Қонунчилик палатасига киритиш учун тавсия этиладиган таклифлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда)



КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР



ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК!

8-9 РАДДИЯГА РАДДИЯ: КЎЗГУНИНГ ҚОРАМТИР ТОМОНИГА ҚАРАБСИЗДА

3 ТАСВИРГА ОЛИШ ТАҚИҚЛАНЯПТИМИ?

ёки таълимга 27,2 ТРИЛЛИОН сўм сарфлангани, 2020 йили 23 385, 2021 йилда эса 26 074 КИШИГА ЖАЗО чоралари қўлланилгани ва маст-аласт ҳайдовчининг 3 йил машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилаётгани хусусида

10 ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ 19 ЙИЛ АВВАЛГИ КЕЧИНМАЛАРИ



ҲАМКОРЛИК

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi

www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№19-20 (1169)
4 июнь 2022 йил, шанба

(Бошланғич 1-бетда)

(Бошланғич 1-бетда)

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ САМИМИЙ МУЛОҚОТИ ХОРАЗМДА ДАВОМ ЭТДИ

Бу ерда гилам, полипропилен ип ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар АҚШ, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

Бу йил учинчи босқич – акрил толасидан калава тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,2 миллион квадрат метрга етди. Маҳсулотнинг 45 фоизи чет элга сотилиши, йиллик экспорт 7 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Президентлар корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини ва шоу-румни кўздан кечирди.

Шу ерда Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Турдош тармоқлар мутасаддиларига тажриба алмашиш, савдони ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ичан қалъадаги тарихий обидаларни зиёрат қилди.

Маълумки, Ичан қалъа фақат ёдгорлик эмас, балки «тирик» шаҳардир. Бу ерда 120 дан зиёд меъморий обидалар бор ва ҳозиргача қадимий уйларда аҳоли яшайди. Унинг «очиқ осмон остидаги музей» деб аталиши шундан.

Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатига киритилган. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилеи нишонланган. 2020 йилда Турксой халқаро ташкилоти томонидан Турк дунёсининг маданий пойтахти, деб эълон қилинган.

Давлат раҳбарлари Ота дарвозадан кириб, Кук минора, Кўҳна арк саройи, Тошхўвлинчи томоша қилди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва Жума масжидида Куръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Хоразмнинг тарихи, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар, бой маданияти ва санъати меҳмонларда ёрқин таассурот қолдирди.

Шу билан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбирлари**



КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қайд этилганидек, ўтган даврда барчанинг ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда тақдирланиш ҳуқуқига эгаллиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласининг ҳаёт кечирishi учун етарли миқдорда бўлиши, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ишсизлик ва камбағалликни тугатиш учун ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиши лозимлиги, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги, мамлакатда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит ҳамда шароитларни таъминлашда давлатнинг мажбуриятларини белгилашга доир қатор тақлифлар келиб тушган.

Шунингдек, ташаббускорлар томонидан давлат иқтидорли ёшларни, уларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, таълимни давом эттиришини кафолатлаши, ҳар ким Интернетга кириши ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига

эга бўлиши, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари қонунда белгиланган доирада ўзини ўзи бошқариш, академик эркинлик, тадқиқотлар ўтказиши ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши каби тақлифлар юборилган.

Конституциявий комиссия аъзолари давлатнинг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш бўйича кафолат бериши, давлатнинг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган чораларни кўриш мажбурияти, фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини беғул олиш ҳуқуқи, давлатнинг турли мулк шакллари асосида фаолият кўрсатадиган соғлиқни сақлашнинг барча турларини ривожлантириш бўйича зарур чораларни кўриш мажбурияти, ҳеч бир шахс ўз мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, коррупцияга қарши кураш масалалари устидан халқ вакиллари назоратини ўрнатиш, ҳеч бир инсон расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан

ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тақлифларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги нормаларнинг Конституцияда акс эттирилиши адолатли, халқчил давлат барпо этишга, одамларни рози қилишга, мамла-

айбсизлигини исботлашга мажбур эмаслигини белгилаш, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашиб, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва ҳолис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажари-

рини Конституциявий ислохотларнинг ҳозирги босқичи юзасидан ўз вақтида ва батафсил хабардор қилиш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу борада мамлакатимизнинг етакчи ОАВ билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган.

Конституциявий комиссия ташкил этилган кундан бу кунгача давлат ва нодавлат телеканалларда жами 294 та лавҳалар, информацион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатилган бўлиб, давлат ва нодавлат радиоканалларда 164 та информацион ва махсус эшиттиришлар ташкил қилинган. Шунингдек, марказий ва ҳудудий босма нашрларда 40 дан ортиқ мақолалар чоп этилган.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, ОАВ вакиллари иштирокида Конституциявий комиссия йиғилиши якунлари га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда комиссия аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

*Конституциявий
комиссия
Матбуот хизмати*

СОЛНОМА

1995 йилнинг 3 июнь кунини Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис курултойи бўлиб, унда «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил этилди.

2008 йилнинг 20 июнь кунини эса «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг бирлашув курултойи бўлиб ўтди ва шу кунини икки партия негизда янги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (ЎЗМТДП)га асос солинди.

2008 йилнинг 21 июнида партия Марказий кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Марказий кенгаш Ижроия кўмитасининг 21 кишидан иборат аъзолари сайланиб, улар орасидан Марказий кенгаш

Ижроия кўмитаси раиси ва унинг Мафкуравий ишлар, Ташкилий ва кадрлар ишлари, Хотин-қизлар масалалари ҳамда Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари сайланди.

2008 йилнинг 11 август кунини Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди.

2008 йил 13 август кунини Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Фидокорлар» миллий демократик партияси фракцияларининг қўшма таъсис йиғилиши бўлиб ўтди ва унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДПнинг янги фракцияси тузилди.

2008 йил 9 сентябрдан бошлаб жойларда ҳудудий партия ташкилотларининг таъсис Конференциялари ва Пленумлари ўтказилди. Жумладан, барча ҳудудларда ЎЗМТДП ҳудудий партия ташкилотларининг таъсис Конференцияси ва Пленумлари ўтказилди.

Уларда Кенгаш, Назорат-тафтиш комиссияси, Кенгаш Ижроия кўмитаси таркиби тасдиқланди ҳамда Ижроия кўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди. Шунингдек, жойларда туман (шаҳар) партия ташкилотларининг таъсис Конференцияси ва Пленумлари ўтказилиб, Кенгаш, Кенгаш Ижроия кўмитаси таркиби тасдиқланди ҳамда Ижроия кўмитаси раислари сайланди.

2009 йил 27 декабрда – ЎЗМТДП Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда иштирок этди. Сайлов якунига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига – 31 нафар, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга 954 нафар депутат сайланди.

2014 йил 27 декабрда – партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган навбатдаги сайловларда иштирок этди. Сайлов якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 36 нафар, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга эса 1105 нафар депутат сайланди.

2019 йил 24 декабрда келиб, партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда иштирок этди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 36 нафар, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга эса 1266 нафар депутат сайланди.

2022 йил 1 апрель ҳолатига партия аъзолар сони 358 377 нафарни ташкил этди. Улардан 48 фоизи ёшлар, 44 фоизи хотин-қизлардир.

2022 йил 1 апрель ҳолатига кўра, партия 14 та ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар), 32 та шаҳар ва 175 та туман Кенгашларига ҳамда 7032 та бошланғич партия ташкилотларига эга.

3 июнь – «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун!



Алишер КОДИРОВ,
Марказий кенгаш раиси

– Партияимизнинг ўтган 27 йиллик фаолиятига жаҳон сиёсий маконида ташланган илк қадамлар, узоқ ва яқин ўтмишда рўй берган ўзгаришлар орқали қаралса, бу унчалик катта мuddат эмаслиги аён бўлади. Аммо «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мустақил Ўзбекистон билан деярли тенгдош экани бизга бутун бошли даврдек туюлган ва бу табиий ҳолдир.

Имкониятдан фойдаланиб, барча партиядошларимизни 3 июнь – «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун билан муборакбод этаман. Бугун Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида минглаб партиядошларимиз, олимлар, сенаторлар, депутатлар ва албатта, маънавий-маърифий соҳа вакиллари

муносиб ўринлари бор. Зеро, Янги Ўзбекистон янги имкониятлар мамлакатига айланаётган бир пайтда кўплаб соҳаларда «Миллий тикланиш»чилар томонидан илгари сурилаётган гояларга катта эътибор қаратилётгани бежиз эмас. Айти пайтда минг-минглаб сафдошларимиз, узоқ ва яқиндаги хайрихоҳ дўстларимиз ҳам

фақат қадриятларга таянгандагина мамлакатимиз тараққиётга эришиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларимизни қўллаб-қувватлашмоқда. Хусусан, миллатни миллат қиладиган она тилимиз софлигига эришиш, тарбия ва таълим тизимини миллат ривожини халқимиз фаровонлигини таъминлаб берадиган мустаҳкам пойдеворга айлантириш гоёси

юртдошларимиз кўнглидаги эзгу гоё сифатида эътироф этилмоқда. Шунингдек, бугун ўз Ватани озодлиги, миллатнинг оро номуни ва албатта, келажаги учун бошини кундага қўйган жадид боболаримиз кўрмаган, аммо бизга насиб қилган истиқлолни кўз қорачиғидек ҳимоя қилишга қодир бўлган ватанпарвар авлодни тарбиялашга ҳисса қўшишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ,

деб ҳисоблаймиз. Президентимиз қайта-қайта тақдорлаётганларидек, Учинчи Ренессанснинг яна Шарқда, яъни биз яшаётган юрtda юз бериши учун эса чуқур билимга эга бўлган чин фидойи авлодни шакллантириш лозим. Партияимиз ташкил топган биринчи кунлариданок ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.



4 | Давлат ва халқ ўртасидаги шартнома шартлари такомиллаштирилиши янги давр тақозосидир

5 | Бунёдкорлар танловида ким голиб чиқди?

ТАЖИРЛАШТИРИЛДИМИ?



ЎКМИ таълимга 27,2 ТРИЛЛИОН сўм сарфлангани, 2020 йили 23 385, 2021 йилда эса 26074 кишига ЖАЗО чоралари қўлланилгани ва маст-аласт ҳайдовчининг 3 ЙИЛ МАШИНА ҳайдаш ҳуқуқидан МАҲРУМ ЭТИЛАЁТГАНИ хусусида

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор муҳим масалалар, хусусан, кўплаб юрtdошларимиз эътиборини тортаётган қонун лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи чорақдаги ижроси кўриб чиқилди.

Маълумки, пандемиядан кейин кўплаб давлатлар ўз миллий иқтисодиётини тиклашга киришиб кетдилар. Баъзи давлатлар эса ҳалигача инқироздан тўла халос бўла олмаётганлар. Биз учун эса қувонарлиси, ана шундай бир шароитда Ўзбекистон миллий иқтисодиёти 2021 йилда 7,4 фоизга ўсиб, аҳолининг реал даромадлари 12,1 фоизга ошган.

Шу ўринда ўтган йилда ҳам бюджет харажатларининг асосий қисми ижтимоий соҳаларга йўналтирилганини айтиш жоиз. Жумладан, мактабга таълимга 8 трлн. сўм ажратилди. Қамров даражаси эса 67,2 фоизни ташкил этди. Умумий таълимга 27,2 трлн. сўм сарфланган бўлса, шундан олий таълимга 2 490,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Соғлиқни сақлаш тизимига берилган маблағ эса 23 316,8 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20 фоиз кўп бўлди.

Ўтган йилдаги яна бир муҳим ўзгариш бу – олий таълим қамровини янада кенгайтириш, соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида 9 та янги давлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони 113 тага етказилгани бўлди. Мазкур тадбирларни молиялаштириш учун эса 18,3 млрд. сўм маблағ кетди.

2022 йилнинг биринчи чораги учун тайёрланган ҳисоботда миллий иқтисодиётимиз 5,8 фоизга ўсиб, аҳолининг умумий даромади 114,2 трлн. сўмга етгани таъкидланади. Бу 2021 йил-

нинг мос даврига нисбатан 115,9 фоизни ташкил қилди, деганидир.

Йиғилишда ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантиришга бюджетдан 10 375,0 млрд. сўм йўналтирилгани, бунда мактабга таълимга 2 274,5 млрд. сўм маблағ ажратилиб, қамров 72,4 фоизни ташкил қилгани айтилди. Умумий таълимга эса 7,2 трлн. сўм йўналтирилган. Бу жами таълим харажатларининг 69,6 фоизини ташкил этади. Соғлиқни сақлашга эса 5 821,8 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38 фоиз кўп маблағ йўналтирилган.

Йиғилишда фракция раҳбари Алишер Қодиров давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил қилинаётган боғчалар учун йилдан йилга кўп маблағ ажратилаётган бўлса-да, натижа қутилганидек бўлмаётганига эътироз билдирди.

Вазирлик вакили бу фикрга муносабат билдирар экан, тизимдаги айрим боғчаларда чиндан ҳам муаммолар борлигини, хусусан, давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил қилинган боғчаларда ҳатто ҳужжатлар сохталаштирилаётгани ва бу билан ортиқча субсидия олишга ҳаракат қилаётганларга қарши чоралар кўрилаётганини маълум қилди. Яъни, инсон омилини йўқотиш мақсадида ҳар бир боланинг келиб-кетишини йўқолиши қилиш учун электрон тизим жорий этилмоқда. Бу тажриба Сирдарёда синовдан ўтди ва яхши натижа берди. Энди бу тизимни мамлакат бўйлаб жорий қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Депутатлар бюджет маблағининг ҳар бир сўмидан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари ижросидан қониқ ҳосил қилинганини маълум қилдилар.

Йиғилишда «Йўл ҳаракати

хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Жамоат хавфсизлиги департаменти вакили қонунчиликимизда баъзи қоидабузарликлар учун жазо чоралари енгиллиги боис, айрим ҳайдовчилар бир йилда юздан ортиқ қоидабузарликлар содир этаётганини, гарчи жарима тўласа-да, яна транспорт воситасини бошқариб юрганларига эътибор қаратиб, бу охир-оқибатда оғир ҳалокатларнинг содир бўлишига олиб келаётганини таъкидлади. Бу эса ана шундай қоидабузарларга нисбатан қаттиқроқ ва муросасизроқ курашни талаб қилапти.

Шунинг учун ҳам ушбу лойиҳа билан Жиноят кодексининг 9 та, Жиноят-процессуал кодексининг 2 та ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, лойиҳага транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун машина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш 3 йил этиб (амалда 1,5-3 йил) белгиланмоқда ва БҲМ 50 баробаригача (амалда 25-40 баробар) жарима белгиланмоқда. Шу ўринда 2020 йили судлар томонидан айнан шу модда билан 23 385 нафар шахсга чора кўрилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 26 074 тага етган.

Тўхташ ишорасига риоя қилмаганлар учун жазо чоралари алоҳида қисм сифатида кучайтирилиб, 1 йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, БҲМ 30 баробари миқдорда жарима белгилаш кўзда тутиляпти. Мазкур ҳуқуқбузарликлар сони 2020 йилда 10 928 тадан

ошган бўлса, ўтган йили 25 707 тага етган.

Янги турдаги ҳуқуқбузарлик – транспортдаги безорилик учун ҳам жавобгарлик киритилиб, 2 йилгача транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва БҲМ 25-50 баробаригача жаримага тортиш белгиланмоқда.

Айни пайтда жиноят содир этганлар ўз изларини яшириш ёки фото ва видео

чиқараётган сабаблар билан курашиш лозимлигини, яъни ҳайдовчиларга йўлларда аввало шарт-шароитлар яратиш кераклигини таъкидлаган бўлса, Нодирбек Тилаволдиев бу ўзгаришларни қабул қилишда Россия, Қирғизистон, Молдова, Беларус тажрибаси мезон қилиб олинганига эътироз билдирди. Унинг фикрича, биз энди ривожланган давлатлар тажрибасига таяниш-

ганлари қандайдир жазолар белгилагандан кўра, ғояга қарши ғоя билан, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот орқали курашсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун уларда жуда катта имконият бор.

Фракция аъзоси Даврон Арипов эса бу масалага қуйидагича муносабат билдирди:

– Албатта, барча соҳаларда жамоатчилик назорати ўрнатилиши керак. Бундай назорат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ҳам тартибга солиб турибди. Аммо улар орасида ҳам қонунга зид ҳаракатлар содир этаётганлари, фуқароларга нисбатан ноҳуш хатти-ҳаракатларни амалга ошираётганлари бор. Буни исботлаш учун эса, албатта, видеотасвирлар катта ёрдам беради. Тегишли идоралар ҳам одамлар томонидан жўнатилаётган бундай тасвирларга «қарға қарганинг кўзини чўқимайди» қабилда эмас, ҳолис муносабатда бўлишлари лозим.

Жаҳонгир Ширинов эса қонун лойиҳаси билан ички ишлар ходимларининг хизматдаги хатти-ҳаракатларни видеога олиш тақиқланмаётганини, фақат бу маълумотларни уларни обрўсизлантириш ёки ҳақорат қилиш мақсадида Интернет тармоқларида тарқатмаслик белгиланаётганини, янги киритилаётган бундай нормалар кўпроқ фуқароларни ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинаётганини таъкидлади.

Хуллас, қизғин баҳс-мунозара ва тортишувлардан кейин мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, фракциянинг тақлиф ҳамда эътирозлари инобатга олиниши шарт билан маъқулланди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири

“ ЯНА БИР МУҲИМ ЎЗГАРИШ: шу пайтгача йўллар сифатига жавобгар бўлган ташкилотлар учун қонунчилигимизда жавобгарлик белгиланмаган эди.

қайд этиш мосламаларига тушмаслик мақсадида давлат рақами белгиларини ўйгириш, қалбақлаштириш ҳолатларини ҳам қайд этмоқдалар. Амалда эса бундай қоидабузарлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Шу боис, бу бўйича ҳам жазо чоралари киритилмоқда.

Яна бир муҳим ўзгариш: шу пайтгача йўллар сифатига жавобгар бўлган ташкилотлар учун қонунчилигимизда жавобгарлик белгиланмаган эди. Энди Жиноят кодексининг 269-моддасига йўлларга масъул идоралар учун ҳам жавобгарлик киритилмоқда. Чунки кўплаб йўл транспорт ҳодисаларининг содир бўлишига асосан йўлларнинг сифатсизлиги ҳам сабаб бўляпти.

Йиғилишда қонун лойиҳасига киритилаётган айрим моддаларга фракция аъзолари жиддий эътироз билдирдилар. Хусусан, депутат Жаҳонгир Абдурасулов жиноятнинг оқибати билан эмас, асосан уларни келтириб

ни ўрганишимиз керак.

Бир гуруҳ депутатлар орган ходимларининг ўз хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ маълумотларни Интернетда жойлаштирганлик учун жавобгарлик белгиланаётганига жиддий эътироз билдирдилар.

– Албатта, ҳар қандай тартиббузарга нисбатан чора кўрилиши керак, бунга эътироз йўқ. Аммо «видеосъёмка» билан боғлиқ масалада жуда кўп саволлар очиқ қолмоқда, – деди депутат Козимжон Тожиев. – Масалан, «обрўсизлантириш ёки ҳақорат қилиш мақсадида» дейилаяпти, лекин буни ким ва қандай исботлайди, балки бунда мақсад обрўсизлантириш ёки ҳақорат қилиш эмасдир. Узи, умуман бу ўзгаришга зарурат борми, бу бўйича Жиноят кодексига нормалар етарли-ку. Жарималарни қанча кўтаришмайлик, фуқароларда қонунга иттиқорлик шаклланмас экан, мақсадга эриша олмаيمиз. Шу маънода, ички ишлар ор-

3 июнь – «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун!




Азиз ҚАЮМОВ,
«Миллий тикланиш» партияси Марказий кенгашининг собиқ раиси

«Миллий тикланиш» партиясининг ташкил топишида қўлимдан келганча хизмат қилганман. Ва, бундан буён ҳам шу партия аъзоси сифатида нима хизмат бўлса, бажаришга тайёрман. Бу партияни тузишдан мақсад унинг номидан билиниб турибди: «Миллий тикланиш», яъни бизнинг энг қадрли бўлган аъёнларимиз, урф-одатларимиз, одат бўлиб қолган ҳаёт тарзимиз ривож топиши, замонавий тус олиш керак. Ва, янги авлодни шакллантиришда ўзининг фаол иштироки билан ажралиб туриши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, комил инсонни шакллантириш бу партиянинг асосий вазифаси. Мен «Миллий тикланиш» партиясининг мамлакатдаги обрў эътибори кўтарилишини истайман. Аммо унинг обрў-эътиборини кўтариш қуруқ гап билан бўлмайди, амалий ишлар билан бўлади. Энг муҳими, мақсадларимизнинг бирлиги ва интилишларимиздаги умумийликдир. Мақсадимиз эса – Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишдир. Ўзбекистон ибратли мамлакат бўлиши керак, халқимиз ҳам ибратли халқ бўлиши лозим. Ва, шунинг учун, албатта, амалга оширамиз.

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ

ШАРТНОМА

ШАРТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК!



Конституциявий ислохотларни тақозо этаётган давр талаблари, бу жараённинг ижобий ва салбий жиҳатлари муҳокама этилган навбатдаги давра суҳбатда «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолларидан ташқари таниқли олимлар, депутатлар, ҳуқуқшунослар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.



Маълумки, Янги Ўзбекистонда барча соҳаларни ислоҳ этиш, жамиятда фуқаролик институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қиладиган халқчил қонунларни ишлаб чиқиш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг бош омилга айланди.

Хусусан, «Инсон қадрини учун» ғояси асосида адолатли ва халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларини самарали таъминлаш каби эзгу мақсадлар бу борада ҳуқуқий маконни янада кенгайтириши зарурлигини кўрсатмоқда.

Дунё таърибаси ҳам жамият ва давлатни модернизация қилишда конституциявий ислохотлар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатаяпти.

Давра суҳбатда партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров айтиш масалага тўхталар экан, парламентдаги икки йиллик партия фракцияларида илгари сурилган ташаббус миллионлаб юрдошларимиз манфаатига хизмат қиладигани таъкидлади.

Конституциямизга ўзгартиш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш комиссияси иш бошлагандан кейин атиги икки кун ўтиб 900 дан ортиқ тақлиф тушгани юрдошларимизнинг мамлакатимиз тақдирига бефарқ эмасликларидан далолатдир.

Таъкидланганидек, Кон-

ституциявий комиссияга одамлардан ўринли, бири-бирдан қизиқ, асосли тақлиф ва талаблар келиб тушмоқда.

Мисол учун, кўпчилик юрдошларимиз давлат органи билан фуқаро ўртасида зиддиятли ҳолат юзага келиб қолганида унга ҳуқуқий ечим топилмаса, низоли ҳолат фуқаро фойдасига ҳал бўлишини Конституцияда белгилаш тақлифини билдиришган. Интернетдан фойдаланишда ҳар қандай чекловларни бекор қилиш тўғрисидаги тақлифи ҳам комиссия аъзолари эътиборини тортмоқда. Шунингдек, кулай меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини

у ва унинг оиласи эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда белгилашга доир нормани ҳам Бош Қомусимизга киритиш керак, деган тақлифлар йўлланган.

Бу, албатта, давлат бюджетидан жуда катта маблағ сарфланишига олиб келади, — деди А.Қодиров. — Лекин бу сайловчиларнинг ҳақли талаби деб ўйлайман. Маълумки, парламент сайловлари арафасида партиямиз таълим-тарбия жараёнида боғчаларнинг ўрни ниҳоятда муҳимлигини инобатга олиб, болаларнинг боғчага боришини ҳам мактаб каби мажбурий этиб белгилаш тақлифини илгари сурган эди. Чунки болага ўз вақтида тўғри тарбия берилмаса, буни мактабда тўғрилашга 10 йил ҳам камлик қилади. Фуқаролардан келаётган тақлифлар орасида шундай ташаббуслар ҳам бор.

Қайд этиш лозим, биз партия қошида экспертлар гуруҳини ташкил қилдик. Уларга ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда Марказий кенгаш раиси ўринбосарлари бириктириб қўйилди. Экспертлар таркибида 4 нафар Олий Мажлис Сенати аъзоси, 34 нафар Олий Мажлис, 14 нафар маҳаллий Кенгаш депутати, 8 нафар профессор, 5 нафар доцент ва бошқа мутахассислар бор. Гуруҳнинг вазифаси маҳаллий кенгаш депутатлари ва экспертлардан тушган тақлифларни партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш ва Конституциявий комиссияга тақдим қилишдир.

Утган бир ҳафта давомида эса фаолларимиз жойларда бўлиб, айтиш мавзуда ўнлаб учрашув ва давра суҳбатлари ўтказишди ва фуқароларнинг тақлифларини олишди. Айтиш пайтда ушбу тақлифлар умумлаштирилиб, ишчи гуруҳ томонидан таҳлил қилинмоқда.

— Утиш даврини бошидан кечираётган давлатларда

мавжуд. Масалан, Германия Бош Қонунда ўзини-ўзи бошқариш органларига доир 20 дан ортиқ модда бор.

Маълумки, дунёда идеал Қомус, кодекс ёки қонуннинг ўзи йўқ. Давр ўтиши, минтақалараро алоқаро, иқлим ўзгаришлари, аҳоли турмуш тарзининг ўзгариб бориши Конституция ва қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш заруратини пайдо қилади. Дунёда бирон давлат йўқки, конституциясини такомиллаштирмаган, ислоҳ қилмаган бўлса. Биргина XXI асрда дунёнинг 90 га яқин давлати конституциявий ислохотларни муваффақиятли амалга оширди, 57 тасида эса янги конституциялар қабул қилинди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси дастурида маънавий кадрлар, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, анъаналар, урф-одатларни асраб-авайлаш, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш ва бирлаштириш каби вазифаларга асосланган берилган. Бундай эзгу мақсадлар айтиш пайтда Янги Ўзбекистон

зиятларда ишга тушишдан тортиб, нозик нуқталарга белгилаб қўйилиши лозим. Қайд этиш жоизки, амалдаги Конституциямизда маънавият билан боғлиқ бирон-бир бўлим йўқ. Умуман, бугунги шарт-шароит Янги Ўзбекистон жамиятининг Маънавият тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқишни ҳам тақозо этмоқда, — деди Қиёмиддин Назаров.

Тадбирда таниқли ҳуқуқшунос, таржимон ва журналист Отабек Маҳаммов ҳам иштирок этиб, конституциявий ислохотлар ҳақидаги фикрларни эшитиб, ҳайратга тушганини яширмади.

— Етти йил илгари Ўзбекистондан Америкага кўчиб кетаётиб Михаил Булгаковнинг «Бизнинг жамиятда сўз эркинлиги ҳамisha кафолатланади. Лекин бу айтилган сўздан кейин эркинликнинг ўзи кафолатланмайди», деган гапини ўқиганим эсимда. Буларнинг бари ўтган қисқа даврда юртимизда жуда катта ўзгаришлар юз берганидан далолатдир, деди у.

Юридик фанлари доктори Шўҳрат Файзиев эса аҳолидан тушаётган тақлифларнинг аксарияти ижтимоий масалаларга оид эканини, шу боис, Бош Қонун ижтимоий адолат ўрнатадиган ҳужжат бўлиши кераклигини таъкидлади. Чунки халқимиз ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Конституция ҳақчил бўлган тақдирдагина ишлайди ва халқимиз руҳига сингади.

Филология фанлар номзоди, доцент Улуғбек Саидов конституциявий ислохотлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қиладигани таъкидлади.

— Ҳар қандай ишнинг ривожини учун икита нарса талаб этилади, булар ваколат ва жавобгарликдир, — деди Улуғбек Саидов. — Ушбу омилларга эришмас эканмиз, натижага эришиб бўлмайди.

Йиғилиш сўнггида конституциявий ислохотларга оид бундай очиқ мулоқотларни мунтазам ташкил этишга келишиб олдилар. Зеро, Бош Қомусимизни такомиллаштиришга доир ҳар қандай тақлифлар, аввало, партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиши лозим.

А.ҚОСИМОВ тайёрлади.

«ИНСОН ҚАДРИ УЧУН» ҒОЯСИ АСОСИДА АДОЛАТЛИ ВА ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ КАБИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР БУ БОРАДА ҲУҚУҚИЙ МАКОННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА.

хар доим конституциявий ислохотларга жуда катта эҳтиёж бўлган, — деди тадбирда иштирок этган сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоев. — Чунки Конституция бу давлат билан халқ ўртасидаги ўзаро шартнома. Унда жамиятнинг барча механизмлари акс этиши керак.

М.Қирғизбоевнинг фикрича, Ўзбекистон Конституциясида ўз-ўзини бошқариш органлари ҳақида биттагина модда бор, холос. Ваҳоланки, жамият асосан ўзини-ўзи бошқариш органларидан ташкил топган ва у халқни бирлаштириб турадиган асосий кучдир. Хорижий давлатлар Конституциясида эса бундай институтлар фаолиятига доир кўплаб моддалар

сиёсатининг ҳам устувор вазифаларига айланди. Жумладан, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида ҳам беиничи йўналиш Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш, деб белгиланди.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин Назаров шулар ҳақида гапирар экан, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг энг катта ютуғи эканини таъкидлади.

— Бугун маънавиятга жуда катта устуворлик берилётган экан, Қомусимизда ҳам маънавий сиёсатимизнинг асослари аниқ-тиниқ белгилаб қўйилиши керак. Яъни, Бош Қонунимизда маънавият билан боғлиқ фаолият, унинг қизил, сариқ ва яшил чироқлари, улар қандай ва-

3 июнь — «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун!



Иброҳим ҚОҒУРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим

— Узоқ истибоддан кейин мустақиллик ўрнатилган, жамиятда демократик ислохотларни амалга ошириш, бунинг учун эса демократик асосларни яратиш эҳтиёжи туғилган эди. Демократик асослар деганда жамиятда сиёсий партияларнинг ҳаракати, уларнинг изчил фаолияти оммани турли, айтиш мумкинки, ранг-баранг йўналишларга, ғояларга жалб қилиш тушунилади.

Юқорида айтганимдек, эҳтиёж палласида Ўзбекистонда «Миллий тикланиш» демократик партияси дунёга келди. Унинг бундай номланишининг ўзи миллий мустақиллик ғояларига тўғридан-тўғри ҳамоҳанг эди. Миллий мустақилликнинг юз фоиз ғоявий ифодасини миллий тикланиш тушунчасида кўриш мумкин эди. Мана шу миллий тикланиш тушунчаси ва ғояси бизга сиёсий партия билан биргаликда кириб келди.

Тан олиш керак, авваллари миллий тикланиш тушунчаси гарчи сиёсий адабиётларда мавжуд бўлса ҳам, лекин бу тушунчанинг сиёсий ҳаётимизда умуман ҳеч қандай ўрни йўқ эди. Ижодкор инсонман, ёзувчи, адабий танқидчи, адабий таржимон...

Партия шахсий ҳаётимда жуда катта бурилиш нуқтаси ясаган. Хусусан, партиянинг тузилиши, дунёга келиши, жамият орасида иш олиб бориши билан боғлиқ жараёнлар ҳаётимда катта из қолдирган. Негадесангиз, бундан олдин жамиятимизда, ранг-баранг йўналишга эга бўлган, бири-бирдан кескин фарқланадиган сиёсий партиялар бўлмагани учун биз — ўзбек зиёлилари ҳам партияларни дунёга келтириш, оёққа турғизиш, жамият ҳаётига кенг суратда олиб кириш вазифалари билан кенг шуғулланганмиз. Ва, мана шу жараёнлар ҳаётимизни тубдан

ўзгартириб юборган.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил этилишининг ўзи жамиятда тубдан бурилиш, ҳатто инқилобий даражадаги сиёсий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади. Партиянинг жамият ҳаётида олиб бораётган барча ишлари — зиёлиларимизнинг янада юксалиши, дунёқарашимизнинг янгилалиши, оннинг ривожланиши, миллий тушунчаларнинг шаклланиши, миллий ўзлик мафқурасининг оёққа туриши ва, ниҳоят, буларнинг барчаси одамларнинг ҳаётига кириб бориши билан белгиланади. Ҳозир партиямиз бошқа сиёсий партиялар билан ёнма-ён туриб, жуда катта ишларни олиб бораёпти. Унинг бошқа партиялардан фарқи томони зиёлилар партияси эканлигидир. Биз аввалбошданок, ўз дастуриимизда партия Ўзбекистон зиёлиларининг

партияси бўлади, деган масалани кўйганмиз. Яъни, ушфоқорлар, ўқитувчилар, олимлар, аҳолининг зиёли қатламларини бирлаштириб турадиган, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаолиятларини катта бир йўлга соладиган ва буларнинг барчасини мустақиллик манфаатларига буйсундирадиган партия бўлиши керак эди. Назаримда, ўтган тарихий давр давомида партиямиз мана шу мақсадига эришиб, халқ ичига кириб борди. Биз 10 минг аъзо билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирга келиб 100 минглаб одамлар партия ғояларига эргашаяпти. «Миллий тикланиш» ғоялари жамиятни, халқни, Ўзбекистонни мамлакат сифатида юксалиши билан чамбарчас боғлиб кетган. Юксалиш нималигини эса барчангиз яхши биласиз.

Партиянинг ғоя ва ташаббусларини илгари суришда эҳтиёждан келиб чиқиб,

«Миллий тикланиш» газетасини ташкил қилганмиз. Унинг биринчи сонларини халқ орасида уйма-уй юриб тарқатгандик. Газета партиямиз номи билан ҳамоҳанг ва уйқаш. Нашрнинг асосий вазифаси одамлар онгида миллий фикрлаш, мустақиллик ғоялари, мафқураси асосида ўзгаришларнинг чуқур шаклланишини таъминлашдан иборат эди. Ўзгаришлар, ислохотлар ва миллий юксалиш...

Бугун мана шу тамойиллар «Миллий тикланиш» газетасининг ҳар бир саҳифасида ўз бўйини кўрсатаяпти, деб ўйлайман. Партиядошларимни жуда яхши кўраман, уларни эъзозлайман. Бир эътиқод йўлида ҳаракат қилаётганимиздан ташқари, Янги Ўзбекистон билан бирга «ўсаётган»имиздан қолаверса, ранг-баранг вазифаларни биргаликда бажараётганимиздан фахрланаман.

ТАНЛОВ

240

мингдан зиёд талаба
иштирок этган
танлов ғолиби Гулёр
Ғаппированинг ижоди
ишини қайта-қайта
ўқияпману, ишонгим
келмайду...

«ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ ҚўЛЛАРИМИЗ БИЛАН БУНЁД
ЭТАМИЗ!» ЭССЕЛАР ТАНЛОВИ МИНГ-МИНГЛАБ ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ
ИМТИҲОНДАН ЎТКАЗДИ, ДЕЙИШ МУМКИН.



Сизлар тарихи буюқ, бугуни
нурафшон, истиқболи порлоқ
замин фарзандларисиз!

Бунёдкорлар танловида ким ғолиб чиқди?

Жами 240 мингдан зиёд талаба иштирок этган танлов ғолиби Гулёр Ғаппированинг ижодий ишини қайта-қайта ўқияпману, ишонгим келмайди...

Уша куни Ватан ҳақида, Ватанинг фидойи ёшлари, уларнинг орзу умидларига тўлган иншолар чиндан ҳам баҳоловчи мутахассисларни хайратга солгани рост. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг сўнгги йиғилишидаги қарийб беш соатлик тортишувлар, баҳсу мунозаралардан кейин ғолиб, дея топилган муаллифнинг асли ким эканига барчамиз қизиқа бошладик.

Очиги, айрим эсселардаги бадиий тўқималар, болаларча самимийлик билан дафтар варағига туширилган мулоҳазаларни икки, уч марта ўқишга тўғри келди. Айниқса, 13, 18, 30... рақамли эсселарни баҳолашда баҳслар кизигандан-кизиди.

Ким улар, қайси вилоят вакили, қай бир таълим муассасаси талабаси...

Нега бунча раво ёзилган булар ёки кимдир ёрдам бердимикан?

Қайта-қайта ўрганишлар ва овозга қўйишлардан кейин ниҳоят 1-ўрин соҳиби масаласида бир тўхтамга келдик. Кейин иккинчи ўрин, ундан сўнг учинчи...

Яна баҳс, яна мунозаралар асносида 2- ва 3-ўринларга бир эмас, иккитадан номзод бир хил балл йиқгани маълум бўлиб қолди. Ва...

Тан олайлик, дунё аждодлар билан авлодлар орасидаги масофа узоклашиб, меҳрсизлик ипи тобора қалинлашаётган бир даврга қадам қўйди. Ватани севиш, уни гўё мўтабар онасидек ардоқлаш, дарду қувончини, ютуғу камчилиги билан қабул қилишдек оғир юкни XXI асрнинг аксарият ёшлари кўтара олмаяпти. Бундан 20 йил

аввал ғарб олимлари, ҳатто йирик давлат арбоблари ҳам ана шундай ёшларни «бой берилган авлод» деб атай бошладилар. Демак, хавотирлар, гумонлар бежиз эмас экан. Яқинда эса ниҳоятда ривожланган бир давлат ҳукумати нега ёшларимиз орзу қилмай кўйдилар, деган мавзунга етти соат муҳокама қилибди...

Минг шукрки, она юртимизда киндик қони тўкилган заминни кадрлаш, туғилиб ўсган шаҳри, тумани, қишлоғи ёки кўримсизгина бўлса ҳам ўз кўчасини севиш, ота-оналарга меҳр билан хизмат қилиш анъаналарига ҳали

лим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилганини, ёшларни замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар этиб тарбиялаш тизими тобора такомиллаштирилаётганини таъкидладилар.

Хусусан, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва модернизация қилиш борасидаги тадбирлардан тортиб барча олий таълим муассасаларининг эътироф этилган халқаро ташкилотлар рейтинглари рўйхатига кириш сари дадил одимлаётганлари-

— Ростдан ҳам ғолибга ўттиз миллион сўм муқофот бериларканми?
— Иккинчи ва учинчи ўринларга ҳам йигирма миллион сўмдан муқофот бор эканку!...
— Нима фақат пул учун қатнашмоқчимисанлар?
— Сизларни биладимку, аммо мени қизиқтирган «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» мавзуси бўлди. Ҳеч кимга айтмай юрган мулоҳазаларим бор эди. Агар қатнашсам, албатта, шулар ҳақида ёзаман, албатта, ёзаман...

унчалар кўз теккани йўқ. Биз ҳикоя қилаётган танлов иштирокчилари шу маънода ҳам ўзларининг чинакам ватанпарвар ўғлонлар ва фидойи барчаноилар эканликларини исботладилар, уларнинг иншоларидаги кечинмалар шундан далолат берапти.

Ниҳоят, танлов ғолибларига Президент совгаларини топшириш маросими бошланди. Маҳабатли залда ҳукм сурган ўша хаяжонли лаҳзаларни кўриш ва ҳис этиш керак эди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Сенатор, таникли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов танлов ғолибларини тақдирлар экан Янги Ўзбекистонда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарликларидан олий таъ-

гача тилга олинди.

Қайд этилганидек, бугун университет ва институтларнинг кўплаб талаба-ёшлари турли инновацион лойиҳаларни амалга ошироқдалар, фанлар бўйича республика ва халқаро танловларда ҳам ўз билимларини ишонч билан намойён этишмоқда.

Қудратилла Рафиқов танловдан кўзланган мақсад ҳақида гапирар экан, ёшларни рағбатлантириш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини ва ўз касбига бўлган садоқатини мустаҳкамлаш эканини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда бундай танловлар ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли оқимлар, бузғунчи

ғоя ва мафқураларга қарши тура оладиган интеллектуал шахс этиб тарбиялашга ҳам хизмат қилиши айтилди. Зеро, бугунги нотинч ва таҳликали замонда илмми, шижоатли ва ватанпарвар ёшлардаги садоқат ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётганини барчамиз бирдек англаб турибмиз.

Тадбирда, шунингдек, Президентимиз томонидан Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ғояси ўртага ташлангани ва бу мақсад миллатимиз ва давлатимиз учун ҳаёт-мамонт масаласига айланаётгани ҳам ёшларнинг эртанги кунини билан чамбарчас боғлиқ экани қайд этилди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишларича, 28 апрелдан 19 майгача танловнинг

уч босқичида — «Биз келажак бунёдкоримиз!», «Янги Ўзбекистон — янги мақсадлар», «Янги Ўзбекистон менинг тасаввуримда» деб номланган босқичларида 120 га яқин олий таълим муассасаларининг 240 мингдан ортқ талаба иштирок этган.

Танловнинг биринчи — факультет босқичида 1,5 мингдан ортқ талаба ғолиб деб топилди, иккинчи босқичга чиққан бўлса, учинчи босқичда 350 нафардан ортқ талаба иштирок этган. Республика босқичида эса 42 нафар талаба ғолиблик учун беллашди.

Шу ўринда ғолиблар орасида ижодий ишларини ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилидан ташқари инглиз тилида ҳам ёзган ёшлар борлигини таъкидлаш жоиз. Қудратилла

Рафиқов ушбу ҳолатга муносабат билдирар экан, ўз туйғуларини ўзга тилда ифода этиш одамдан жуда катта билим ва салоҳият талаб этишини таъкидлади.

— Демак, фарзандларимизда шундай билим ва тафаккур, энг муҳими, интилиш бор, — деди Қудратилла Рафиқов. — Бугунги ёшларимиз, фарзандларимиз мамлакатимизда кечаётган ўзгариш ва янгиланишларни қай даражада ҳис этишяпти, эртанги кунимиз уларнинг тасаввурини қандай акс этаётди, улар Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуг мақсад йўлидаги эзгу ишларни давом эттиришга, бебаҳо кадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлашга қанчалик тайёрлар?

Бизни мана шу каби саволлар қизиқтираётган эди.

Очигини айтиш керак, азиз фарзандларимиз қалбида Ватанинг эртаси учун жон фидо бўлиб хизмат қилиш истаги барқ этиб турганини ижодий ишлардаги жўшқинлик, чуқур билим ва тафаккур теранлигида кўрдик.

Шу ўринда Касаба уюшмалари федерацияси раисининг ғолибларга қарата «Сизлар тарихи буюқ, бугуни нурафшон, истиқболи порлоқ замин фарзандларисиз!» Шу азиз Ватан равнақи, манфаатлари учун ўзингизни дахлдор деб билаяпсизлар. Буни бугунги танловга тақдим этган ижодий ишларингиз орқали яққол намойён этдингиз», деган гаплари ғолиб бўлган тенгдошларини кузатиб турган минг-минглаб ёшларда илм-фанга бўлган муносабатни ўзгартирди, дейиш мумкин.

Сизлар бугун ғолибсизлар, гарчи ҳаммангиз совринли ўринларни эгалламаган бўлсангизда, аслида ўз тенгқурларингиз орасидаги етакчи ва сардорларсизлар. Бир сўз билан айтганда, сизлар чин маънода Янги Ўзбекистонимизнинг мағрур ва ғолиб фарзандларисиз!

Чунки Ватани ва Миллати бахту саодати йўлида кўзи ёниб, юраги жўшиб турган инсонни ҳеч ким ва ҳеч нарса енга олмайди!

Танлов ана шундай эзгу ниятлар билан якун топди. Шу ўринда бунгача Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан «Темирбеклар мактаби» тинловчилари учун ҳам айнан шундай танлов ўтказилиб, ғолибларга Президент совгалари топширилгани эсимга тушди. Эшитишимча, навбатдаги танлов ҳам охиригиси эмас. Демак, тез кунда яна минг-минглаб ёшлар ҳамда уларга тарбия ва таълим берган фидойи устозларни янада баландроқ минбарларга олиб чиқувчи меғатановлар кутмоқда.

Ишончимиз қомилки, «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!», сингари танловлардан куч олаётган — Учинчи Ренессанс муаллифлари дея эътироф этилаётган ёшларимизни энди жаҳон миқёсида ўтказилаётган танловларда ҳам ҳеч ким ва ҳеч нарса енга олмайди!

Миродил
АБДУРАҲМОНОВ

3 июнь — «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун!



Ахтам
ТУРСУНОВ,
партия фахрийси

Партия илк бор ташкил этилган пайтларда унинг бугунгидек минг-минглаб масалаларни бўлишини тасаввур этиш қийин эди.

Кўп ўтмай, кадриятларга таянган жамият тараққиёт сари илдам боришига инониб, партияни қўллаб-қувватлайдиганлар сафи кенга бошлади. Ишонч билан айта оламаники, бугунга келиб партия ўзининг дадил ташаббус ва лойиҳалари билан ҳалқ ичига кириб борапти. Айниқса, таълим-тарбия тизимини янада ислоҳ қилиш ғояси партияни одамларга, кенг оммага яқинлаштирди. Бу эса Ватан равнақи ва тараққиётга муносиб ҳисса қўша оладиган ватанпарвар авлодни тарбиялашда асосий мезон бўлди. Маълумки, партия 1995 йилда ташкил топган. Мен раҳбарлик қилган даврда бу партия «Фидокорлар» миллий демократик партияси

билан қўшилди. Натижада мен «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий кенгаши раислигидан «Миллий тикланиш» демократик партияси раҳбарлигига сайландим. Уша пайтда уни номлаш масаласида анча тортишувлар бўлган. Масалан, партияни Миллий тикланиш миллий демократик партияси деб номлаш таклифи ҳам билдирилганди. Лекин биз партия — «Миллий тикланиш» демократик партияси деб аталиши керак деган фикрда қатъий турдик. Икки партия қўшилганидан кейин парламент ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар сони ҳам табиий равишда ошди. Ва, бу партиянинг нуфузига ижобий таъсир қилди. Натижада унинг жамият ҳаётидаги роли, парламент ва маҳаллий ҳокимликлардаги мавқеи юксалди.

Гапнинг очиги, собиқ

иттифоқ даврида миллий-лигимизга ҳар жабҳада пуртур этган. Мустақилликка эришгач, бу ҳолатларга барҳам берилди бошланди. Унинг исботи ўлароқ «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғоясининг илгари сурилгани бўлди. Бу халқнинг дилидан келиб чиққан ғоя эди. Энг асосийси, қисқа муддатда партиянинг ушбу ғояси ҳақиқатдан ҳам халқчил ва халқона эканлигини исботлади. Қолаверса, партиянинг бош мақсади ҳам шу аслида. Тўғриси айтсам, «Миллий тикланиш»нинг энг юксалган даври — ижро ҳокимияти ва вакиллик органларида жуда кўпчилик ўринини эгаллаган даврларимизни кўп эслаймиз.

Партиянинг бугунги фаолиятини тўлақонли тарзда фақат унинг газетаси тарғибот қила олади, деб ўйлайман. Унда

мафкура, партия сиёсати батафсил ёритилади. Шунинг учун ўзимдаги маънавий-сиёсий эҳтиёжни «Миллий тикланиш» газетасини ўқиб қондираман. Ундан озиқланаман. Фақат газетанигина эмас, сайтлар ва ижтимоий тармоқ, телевидение, умуман ОАВда чиқишларни ҳам доимо кузатиб бораман.

Мен партияимизни ва умуман барча аъзоларимизни партияимизнинг 27 ёши билан самимий кутлайман.

Уларга ўз ғоя ва мақсадларини муваффақиятли амалга ошириб, уларни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишларида муваффақиятлар тилайман. Фидойи аъзоларимиз сони қанча кўп бўлса, олдимишга қўйган мақсадларимизга шунча тез эриша оламиз.

Ҳаммага муваффақият, оилаларига эса хотиржамлик тилайман.



МУТТАСИЛ ТИКЛАНИШДИР

2016 йилнинг 16 июль кунги Пленумда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича раиси ўринбосари лавозимига сайланганман...
Фурсатдан фойдаланиб, ўшанда менга юксак ишонч билдирган партиядошларимга чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Қандай яхши-я, дунёда сенга ишонадиганларнинг борлиги!
Боз устига, улар жамият устунлари, тоғлари бўлса. Зеро, ўлмас ғоя билан қуролланиб, катта йўлга чиққан карвонни нотўғри йўллардан асраган, ҳатто ўтиришга жойи бўлмаганда ҳам халқимиз онгига эзгу ғояларни синдириб, ўзига зиён бўлса-да, ҳақиқатнинг юзига тик боқибдан чўчимаган, турли даврларда ғояси яқин бўлган сиёсий кучлар билан бирлашишга мажбур бўлиб, эвазига «ўтиш» даврида кўплаб аъзоларини йўқотган ва яна янги-янги юзларни топишдан толмаган, охир-оқибат яна ўзига, ўз ўзинига қайтган «Миллий тикланиш»чилар сафида бўлиш миллат қайғуси ва халқдарди билан яшаётганлар учун ниҳоятда муҳим, деб ўйлайман.

фикрлар юзлаб ҳамкасбларимнинг ҳаётий шиорига айланганига гувоҳ бўлдим.
Партия сафида туриб, уни соғинадиган минглаб фидойиларни кўриб, ана шундай яқинлари билан партия қанчалик яқин? – деган саволларга жавоб изладим.
Мана беш йилдирки, партия жамлашиш ҳаракатида. Янги сиёсий муҳитда ўзини тафтиш қилди. «Миллий тикланиш» ғояси учун ўз вақтида туриб берганлар жамоасини тўплаб, «Фарийлар кенгаши»ни тузди. Турли сабаблар билан партиядан узоқлашганлар яна яқинлашди. Мулоқотлар ҳудудий кенгашларда ҳам уюштирила бошланди. Бу билан янги раҳбар келганида эски раҳбар унутилди, ё танқид қилинади, деган иллатга росмана нуқта қўйилди, дейиш мумкин. Илоҳим шундай бўлгани рост бўлсин!
Чунки ҳар қандай раҳбар, оддий партия аъзосими, фаолими ўз тафаккури ва қалбидаги ғоялари билан «Миллий тикланиш»ни бойитгани ҳақиқат. Шундан келиб чиқиб, кейинги беш йилда партиянинг миллий кадриятларимизни тараннум этган қатор лойиҳалари замон руҳига мослаштирилиб, қайта тикланганини айтмоқчиман. Бу борадаги ислохотларда Сарвар Отамуратов ва Алишер Қодиров каби партия етакчиларининг ўрни беқиёс, албатта.
Уша кунги Пленумга қайтсак...

Уларнинг очик ва самимиликлари худди қалин девор туйнугидан тушган нур каби, анчадан бери ўйлаган ғоямни амалга оширишга тўртки берганди. Шу кунги ТВда ишлаган кезларим кўнглимга туғиб қўйган миллат ойдинлари билан суҳбатлашишга қаратилган «Ўзлик ҳақида суҳбат» лойиҳасини ёзув-

«Ханузгача «миллий» сўзини эшитсам, энтикиб кетаман.
Хушёр тортаман.
Дарров қадрдон партиямни эслайман.

юзасидан ҳисоблашиши ҳар кун кечқурун ўзи билан ўзи гаплашиши каби виждон ишидек муҳим вазифа, назаримда. Айтилган ва айтилмаган фикрларни ўқиш ва ўқиш тўғри ҳулосаларга, қарорларга олиб келишига кўп бора амин бўлганман. Айниқса, сирқаси сув кўтармайдиган, икки-та гап кўп, битта гап камлик қиладиган сиёсат соҳасида. Бу борада ўстозлар ўғити ва назари жонга малҳам бўлмоқда. Шу боис ҳар гал бигон ишга қўл уришдан аввал ушбу соҳа кайвонилари билан маслаҳатлашаман.
Илк бор партияга келганимда мен танийдиган ягона инсон Хуршид Дўстмуҳаммад эдилар.

Феруза МУҲАММАДЖАНОВА,
Марказий кенгаш раиси ўринбосари

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР



Абира ХУСЕЙНОВА,
Сенатор, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Бухоро вилояти минтақавий вакили

Ўзбекистонда гендер тенглигини баҳолашда тарихий-миллий қадриятлар эътиборга олиниши бораборида, бу аҳолининг эркинлигига ҳам путур етказмаслиги керак. Маълумки, тарихий-миллий қадриятларимиз ҳам эркаклар, ҳам аёллар зиммасига бирдек вазифалар қўяди. Айрим ҳолларда ҳамдан бир томонлама ҳулоса чиқарилаётгани ҳам бор гап. Шунинг учун Конституцияда «Хотин-қизлар ва эркаклар қонун олдида тенг ҳуқуқлидирлар», деган норма киритилишини таклиф қиламан.



Илҳом РАЖАБОВ,
партиянинг Навоий вилояти Кенгаши раиси

Фикримча, Конституциямизнинг 2-моддасидаги «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган норма бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Айтмоқчиманки, бугун мансабдор шахслар ваколатлари улар устидан назоратни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Шу сабабдан мазкур норма «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида мунтазам ҳисоб беришлари, ҳар йили бир марта ўз даромадлари ва мол-мулклари тўғрисида декларация тақдим этишлари керак», сўзлари билан алмаштирилса тўғри бўларди.



Аброр ХУСАИНОВ,
Фарғона вилояти Кенгаши раисининг ўринбосари

Мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар ота-онанинг бола, боланинг эса ота-она, шунингдек, яқин қариндошлар қўлининг қўлига қўлиш оқибатларидан воз кечини тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасини «Ота-онанинг, боланинг, қариндошларининг жинояти учун бошқаларнинг ҳуқуқларини чеклаш мумкин эмас»лигини катта ҳарфлар билан ёзиб қўйишни таклиф қиламан.

Партия фаолияти

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING 2017-2022 йиллардаги фаолияти

Infographic showing party statistics: Party membership growth (2017-2022), Deputies list (2009-2019), Party organs statistics (7, 17, 73), Party activities statistics (58, 182, 207), Party organizational structure (200 members), Party organizational structure (200 members), Party organizational structure (200 members).

ПАРТИЯ ТАШАБУСУЛАРИ

УЗЛУКСИЗ ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ
Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Узлуқсиз маънавий тарбия қўмитасини қабул қилинди.
«Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фақлини босқичма-босқич амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.
«Таълим тўғрисида»ги қонун (янги таҳрир) Президент томонидан имзоланди.
«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.
«Тарбия асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.
«Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.
«Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари лойиҳа» қадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
ЎАМТДП фракцияси масъулига Таълим бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.
«Хукумат соати»да 4 та вазирлик ахбороти эшитилди.

ПАРЛАМЕНТНИ «ХАЛҚ УЙИ»ГА АЙЛАНТИРИШ

Парламентда «Очиқ эшиклар кун»и ташкил этилди.
Парламентда муҳомада қилинган 47 та қонун лойиҳаси халқ муҳомадасидан ўтказилди.
Жойларда 74 та учрашув ва дивер суҳбатлари ташкил этилди.
Унда фуқаролар томонидан билдирилган 216 дан ортиқ таклифлардан 24 таси қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олинди.
ЎАМТДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларининг Қонунчилик палатасидаги ялпи мажлисларда, фракция йўлбошчиларида бевосита ва онлайн иштирок этиши тизими йўлга қўйилди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА МАНФААТЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

«Лавзи» халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Президент Қарори қабул қилинди.
«Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарори қабул қилинди.
Мактабгача таълим муассасаларида аллани жорий этиш юзасидан амалий ишлар ташкил этилди.
ЎАМТДП томонидан «Алла» фестивали ўтказилди.
«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
«Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.
ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
Қонунчилик палатасида Турizm қўмитаси раисининг эшитуви, шунингдек 50 дан ортиқ маҳаллий Кенгашларда эшитувлар ташкил этилди.
Вазирлар Маҳкамасига Жиззах вилояти, Форш тумани масолида икки туризмни ривожлантириш бўйича таҳлилий маълумотнома киритилди.
Турizm соҳасини санитария-эпидемиология қауфазлигининг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентининг Қарори қабул қилинди.
«Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тўқлаш ва ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
«Турizm, спорт ва маданият ишлари соҳаларида даалат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.

«Зоями» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммаъсурий кўрсатки ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.

«2022 йилда туризм ва маданият марос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги ҳамда «Реформа тўғрисида»ги қонунларининг Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятидаги ижроси ўрганилди.
Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбек тили байрами» кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.
«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилинган давлат тилини билш даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.
«Реформа тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ЎАМТДП Сайловлиди дастурда ўз олдига қўйган мақсадлари ва гоилари аниқ етиришига эришилди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

«Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.
«Биз коррупцияга қаршимиз!» акцияси доирасида расмлар танлови ўтказилди.
Барча олий ўқув юртиларида тақсил олаётган бакалавр ва магистратура босқичлари талаба-ёшлари ўртасида «Қонун – коррупцияга қарши курашишда аниқ самарали қурол» мавзусида иншоолар танлови ўтказилди.

ЎҚИТУВИГА ҚЎЛАЙ МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ

«Умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга яратилган меҳнат шaroитлари ҳамда улар фаолиятини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазири Ш.Шерматовнинг ахбороти тинланди.
Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига муносиб меҳнат шaroитларини яратиш бораида таклиф Хукумат ва таълим вазирликлари тақдим этилди.

ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ

«Фармацевтика саноатида зарур амалиётлар (хур) талабларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
Ўзбекистонда халқ табоботини ривожлантириш Концепцияси лойиҳаси Партия ташаббуси билан Ўзбекистон Халқ табоботи ассоциацияси, ИБИ Сино жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳамкорлигида ишлаб чиқилди.
«ТОНЕСКО билан ҳамкорликда маданият марос масалалари бўйича халқаро маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
«Ташаббусчи баҳанимиз санъати фестивалини қайтартириш кўриш ва Ҷаҳонийлик санъатини ривожлантириш учун қўлай шарт-шaroитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.
«ТОНЕСКО билан ҳамкорликда маданият марос масалалари бўйича халқаро маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
«Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданият марос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ФАОЛИЯТИ

Table with columns for years 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 and rows for deputies, sessions, commissions.

«МАҲАЛЛАБАЙ» ИШ ШАҚЛИ

41 318
Тахондан ЎАМТДП Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан «Маҳаллабай» ўрганилди.

ПАНДЕМИЯ: ҚАЛБАН БИРГАМИЗ!

89 610 та
464 514 нафар
25 802 463 900 сўми моддий ёрдам ва хайрия ишлари амалга оширилди.

«САҲОВАТ ВА ҚЎЙМАК»

300 000 000 сўм
ЎАМТДП МК ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар «Саховат қарам» лойиҳаси доирасида тегишли манзилларга етказилди.

ФУҚАРО МУРОЖААТЛАРИ

Table with columns for years 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 and rows for citizens, complaints.

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР



Ражаббай РЎЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти
Кенгаши раиси

Бош Қомусимизнинг 4-моддасида ўзбек тилининг давлат тили эканлиги белгиланиши баробарида, бошқа тилларнинг ҳам қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса бошқа тилларнинг, айниқса, рус тилининг таъсири кучайиб боришига йўл очиб берапти. Масалан, кўплаб идораларда тайёрланаётган ҳужжатларнинг давлат тилида эмаслиги қонунга бўлган муносабатга салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу муносабат билан Бош Қомусимизнинг 4-моддасини "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаро давлат тилини муомала қила оладиган даражада билиши шарт. Республиканинг барча ҳудудларида, шунингдек, давлат идоралари, ташкилот ва муассасалар, турли корхона ва маҳаллаларда ўзбек тилида иш юритилиши мажбурийдир", тарзида берилишини тақлиф этаман.



Зумрад БЕКАТОВА,
Фракция аъзоси

Бугун энг ҳимоясиз инсонлар қайси соҳаларда фаолият олиб бораётганлигини сўрасангиз, иккиланмасдан таълим ва тиббиёт соҳаларининг вакиллари тилга олинади. Бугун ҳатто тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларга қўл кўтариш оддий ҳолга айланиб қоляпти. Шунинг учун уларни ҳимоя қилишни Конституция даражасига олиб чиқиш лозим. Хусусан, 41-моддани "Тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларни ҳуқуқларини поймол қилиш ҳамда ҳақоратлаш жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади", деган жумла билан тўлдириш керак.

Партиямиз ўз мақсадлари сари

ДАДИЛ БОРЯПТИ



Баҳодиржон МАМАТХОНОВ,
Марказий кенгаш раиси ўринбосари

«Миллий тикланиш»нинг 27 йиллик фаолияти осон кечмаганини қўлга киритилган катта-кичик натижаларда ҳам кўриш мумкин. Мана бир мисол: 2009 йили вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда Қонунчилик палатасида 31 та, маҳаллий Кенгашларда 951 та депутатлик ўрнини қўлга киритган бўлсак, 2019 йилда бу кўрсаткич, 36 тага ва тегишли равишда 1 266 тага етди. Яна бир муҳим жиҳат: айна пайтда фракция аъзоларининг 17 фоизини, маҳаллий депутатларнинг эса 29 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Агар 2017 йили аъзоларимиз сони 196 мингга ташкил этган бўлса, айна пайтда қарийб 400 минг аъзога эгамиз.

Бугун вилоятларда 14 та ҳудудий, туман-шаҳарларда эса

207 та маҳаллий ҳамда 7 032 та бошланғич ташкилотларимиз фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида «Ижтимоий лифт» лойиҳаси асосида 200 нафардан ортиқ ходимларимизнинг ижро ҳокимиятида турли лавозимларга ишга тайинлангани эса партиянинг сифатли кадрлар салоҳиятидан далолат беради.

Шу ўринда ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан 41 318 та хонадон «маҳаллабай» шаклда ўрганилганини, уларнинг 3 504 нафари «Темир дафтар», 3 913 нафари «Аёллар дафтари», 4 508 нафари эса «Ёшлар дафтари»га киритилиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Айна пайтгача партиядошларимизнинг саяҳатлари билан 11

911 нафар ёшлар ва хотин-қизлар иш билан таъминланди. 2 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга имтиёзли кредитлар олишда ёрдам кўрсатилди. 2 013 нафар аёлга эса соғлигини тиклаш, 618 нафар ёш йигит-қизларга эса уй-жой ҳамда ер-мулк билан боғлиқ масалаларда кўмак берилди.

Партиявий лойиҳалар, хусусан, «Хизмат-беминнат» лойиҳаси асосида 16 134 нафар ёшга бепул таълим берилиб, 20 479 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўргатилди. «Уйма-уй» лойиҳаси асосида 164 500 та хонадоннинг шароити ўрганилиб, уларни қийнаётган 117 269 та масала ижобий ҳал этилди. «Депутат билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида эса 2 511 та МФЙда 8 мингга яқин учрашув ташкил этилиб, фуқароларнинг ҳаётий муаммолари ўрганилди.

«Илоқ» таассуротларга бой бўлди



Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Ўرғосой кенгликларида анъанавий «Илоқ» этно-фестивали ўтказилди.

Мамлакатимиз фольклор санъатида Оҳангарон тумани ва унга туташ ҳудудларда яшовчи аҳолининг ўзига хос ижодий ўрни бор. Тарихдан маълумки, Илоқ — давлатчилиги асрий илдиэларининг яққол ифодаси бўлган қадимий маданият маркази бўлган. У ўзининг бой кўллари билан бутун Шарқда машҳур бўлган. Бу ҳудудда миллий хунармандчилик, боғдорчилик кенг ривожланиб, Буюк ипак йўли маданиятида алоҳида ўрин тутган. Бу бебаҳо тарихий халқимизга, ёшларга етказишда анъанавий «Илоқ» этнографик фестивалининг

ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мазкур фестиваль Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси, вилоят маданият бошқармаси, Оҳангарон тумани ҳокимлиги, Ўзбек миллий кўғирчоқ театри, «ZOOM-Projekt» журнали ҳамкорлигида, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди госяси билан бешинчи марта ўтказилди. «Илоқ» этнографик фестивалида иштирокчилар қадимий Илоқ давлатининг тарихий урф-одатлари, одамларнинг яшаш тарзи, маданиятидан завқ олиб, фольклор ансамбллари, дорбозларнинг чиқишлари, театр усталарининг бадий маҳоратларига гувоҳ бўлди. Концерт дастурлари, майдон томошалари, қолаверса, гастро, этно,

спорт туризм имкониятларидан баҳра олди.

— Фестиваль дарагини эшитиб Пискентдан келдик, — дейди фестиваль иштирокчиси Илёмбек Холбоев. — Бу ерда ажойиб майдон томошалари, халқ ўйинлари, фольклор санъатимизнинг ноёб намуналари, шунингдек, минтақанинг бой ва бетакрор урф-одат ва анъаналарини ифода этувчи асори-атиқаларига, хунармандчилик кўргазмаларига бевосита гувоҳ бўлиб, бир олам таассуротлар олдик. Айниқса, фарзандларимизга жуда манзур бўлди.

Фестивалга келганлар дилкаш гурунглрдан баҳраманд бўлди.

А. МУСАЕВ, Ўза

СИЁСИЙ ҲҚУВЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномасидаги энг муҳим устувор йўналишларни тарғиб этишга оид
- Сайлов қонунчилиги ва сиёсий партияларда ишларни ташкил қилишга оид
- Партия тизимида фаолият самардорлигини оширишга оид
- Пандемияга оид
- Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлашга оид

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳлари фаолияти самардорлигини ошириш оид

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид

Мамлакатимизда киберхужумларнинг олдини олиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид

Партия етакчиларининг лидерлик қобилиятини оширишга оид

29 883 ТИНГЛОВЧИ ҚАМРАБ ОЛИНДИ

АХБОРОТ СИЁСАТИ

	2017	2018	2019	2020	2021	май 2022
ТВ	3108	3510	4782	3754	2057	623
РАДИО	2056	2645	3145	2525	1585	329
МАТБУОТ	2870	3290	4615	3958	1789	576
ИНТЕРНЕТ	4134	4318	6352	4362	5230	1450
ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ	22357	28580	37913	31106	56304	5425

ЛОЙИХАЛАР

- 1 ХИЗМАТ-БЕМИННАТ**
16 134 нафар ёшга бепул таълим берилди. 20 479 нафар хотин-қизлар касб-хунарга ағаллади.
- 2 УЙМА-УЙ**
164 500 та хонадон ўрганилди. 117 269 та масала ҳал этилди.
- 3 ДЕПУТАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ**
2511 та МФЙда 7974 мартаба учрашув ташкил этилди.
- 4 НАВОИЙ ВОРИСЛАРИ**
14 минг нафар ўқувчи ёшлар, "Лисон-ут-тайр" асарини тўлиқ ёд олган ўқувчи кашф этилди.
- 5 ХХІ АСР АЁЛИ**
Маҳаллий ва ҳудудий босқичларида 12 253 нафар, Республика босқичида жами 154 нафар фаол хотин-қизлар иштирок этди.
- 6 ҲАР БИР ОИЛАДА КУТУБХОНА**
Ҳудудлардаги гузарларда кутубхона ташкил этилди. РФ Новосибирск шаҳридаги кутубхонада "Ўзбек тилидаги адабиётлар" бўлими очилди.
- 7 ЛИДЕРЛАР ОНЛАЙН МАКТАБИ**
Сиёсий таълим беришга ихтисослашган, мансабдор шахсларнинг раҳбарлик тажрибасини кенг оммалаштиришга қаратилган очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING 2017-2022 йиллардаги фаолияти

8 СОФ ЎЗБЕК ТИЛИДА
xatosizyoz.uz сайти ишга туширилди.

9 ФОРУМ
"Ёшлар келажак драйверлари" Республика Форуми ташкил этилиб, унда республика миқёсида 30 000 дан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

10 ВАТАНДОШ БИЛАН СУҲБАТ
Хорижда турли соҳаларда ютуққа эришган 10 дан ортиқ ҳамюртларимиз билан онлайн учрашувлар ташкил этилди.

11 ЎЗЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТ
Таниқли ижодкор, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Хуршид Дўстмуҳаммад муаллифлигида "ЎЗЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТ" лойиҳаси доирасида китоб нашрга тайёрланди.

КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

- "Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари" Республика илмий анжумани;
- "Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" Республика илмий-амалий конференцияси;
- "Ёшлар инновацион фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари" Республика илмий-амалий конференцияси;
- "Ўзбек тилининг "рақамли лингвистик" ресурсини яратиш" илмий-амалий конференцияси;
- "Миллий ўзликни англашда Навоий ва Бобур ижодий меросининг аҳамияти" халқаро илмий-амалий конференцияси;
- "Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар" халқаро конференцияси;
- "Абу Али ибн Сино ва COVID-2019" XI Халқаро Ибн Сино ўқувлари илмий-амалий анжумани.

МЕМОРАНДУМЛАР

- Ўзбекистон Халқ таботати ассоциацияси;
- Ибн Сино жамоат фонди;
- "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти;
- Республика "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот Маркази;
- "Ишга марҳамат" Мономаркази;
- Халқаро спорт клублари Ассоциацияси;
- Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази

«ХИЁНАТ» ТА ЖАВОБ

ёхуд санамай саккиз деманг...

«Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетасининг шу йил 18 май кунги санасида «Хиёнат» сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда бугунги ўзбек кино оламининг фаолиятига доир мулоҳазалар баён этилган. Газета муҳбири Маҳбуба Каримова қаламига мансуб ушбу чиқишдан сўнг Ўзбекистон Кинематография агентлиги матбуот хизмати таҳририятга раддия йўллади. Куйида ана шу эътибор маҳсули бўлмиш раддия асл ҳолида эътиборингизга ҳавола этиляпти.



Матбуот – жамиятнинг ҳолис кўзгуси. Интернет журналистикаси, ижтимоий тармоқлар ривожланган, ахборот оқими тезлашган бир пайтда ҳолис ва ҳаққоний ёндашувларни акс эттиришда босма матбуот ўз ўрни ва мавқеини сақлаб келаётгани қувонарли. Буни қатор нашрларда бериб борилаётган таҳлилий-танқидий мақолалар, суҳбатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. «Миллий тикланиш» газетасининг 2022 йил 18 май кунги чоп этилган, журналист Маҳбуба Каримованинг «Хиёнат» сарлавҳали мақоласи хусусида ҳам ана шундай фикрда бўлишни истагандик. Аммо... мазкур мақола бир қарашдаёқ аниқ, манзилли танқидлар, жўяли тақлифлар эмас, балки қуруқ ҳиссиётлар, пафосли жумлалар асосида қурилгандек тасаввур уйғотибди.

Албатта, кино халқ учун, томошабин учун яратилади. Бинобарин уни таҳлил қилиш, баҳолаш, ютуқ ва камчиликларини ошқора кўрсатишга нафақат журналист, балки ҳар бир томошабин ҳақли. Бугунги кунда кинематография соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган янги охлотлар, яратилаётган ишлов фильмлар, киноижодкорлар қўлга киритаётган ютуқлар Ўзбекистон медиасида мунтазам ёритиб бориляпти. Қолаверса, Кинематография агентлигида журналист ва блогерлар билан доимий равишда турли учрашувлар, матбуот анжуманлари, тақдиротлар ўтказилади. Зеро, чуқур билим ва тажрибага асосланган таҳлил, асосли ва ўринли танқид миллий кинематография учун фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир журналист муайян мавзуда қалам тебратишдан аввал масаланинг моҳиятини чуқур англаши, соҳанинг паст-баландлини, тош-тарозисини обдон ўрганиши, шундан кейингина танқидга қўл уриши мақсадга мувофиқ.

Мақола куйидаги жиддий айблов билан бошланади: «Ўзбек кино санъати ва sanoati мутасаддилари ҳар қанча баҳона изламасинлар, соҳанинг кўплаб вакиллари миллий қадриятларимизни оёқости қилишга хизмат қилаётган «Буюк асарлар» яратишда давом этмоқдалар... Миллий кино санъати учун бюджетдан миллиард-миллиард пул ажратилаётган бўлса-да, афсуски оддий томошабин талаби даражасида суратга олинган кинолар бармоқ билан санарлигича қолмоқда». (имло ва услуб сақлаб қолинди – муал.)

Мақолани ўқиш асносида хушёр ўқувчида баъзи саволлар туғилиши мумкин. Муаллиф айнан кимни ёки нимани нишонга олмоқда? Миллий кинематография агентлигини? Хорижий ва миллий сериалларини? Хусусий киноижодкорлар ёки давлат буюртмасига асосан яратилган фильмларини? Муаллиф аввало бу тушунчалар орасидаги боғлиқлик ва тафовутни, ўзи кўтарган ҳар бир масалага алоқадор масъулларни аниқлаб, саволларни ҳам уларга қаратганда айти мудоао бўларди. Модомики, саволлар Кинематография агентлигига қаратилар экан, агентликнинг асосий вазифаларини ҳам яхшилаб ўрганиш лозим эди.

Муаллиф ўз мақоласида давом этади: «Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Кино санъати ва sanoatini янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган. Хусусан ушбу ҳужжатда жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзулардаги фильмлар суратга олиш вазифаси қатъий белгиланган бўлса-да, негадир Кинематография агентлигининг бу борадаги амалий ҳаракатлари кўзга ташланаётгани йўқ».

Журналист бу қадар осон ва енгил хулоса чиқаришдан аввал Кинематография агентлиги фаолияти билан қизиқиши, мутасадди раҳбарлардан фикр сураши, ҳеч бўлмаганда Агентлик матбуот хизматиға мурожаат қилиб, бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот олиши мумкин эди. Лоақал Кинематография агентлигининг телеграмдаги саҳифасига кирганида ҳам бу борада етарлича тасаввурга эга бўларди.

Кейинги йилларда Президентимиз тавсияларига асосан кўплаб буюк алломуларимиз, Ватанимиз тарихи, маданий меросимиз тарғиб этишга бағишланган ўнлаб фильмлар суратга олинди. Биргина 2021 йилнинг ўзида Агентлик буюртмасига асосан 100 дан ортик киномаҳсулот яратилди. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, Иккинчи Жаҳон урушида, жанг майдонларида ўзининг 5 нафар фарзандини йўқотган ўзбек аёли Зулфия Зокирова ҳаёти ҳақида яратилган «Илҳақ» бадийи фильми нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам катта муваффақиятларга эришди. Жумладан, 2021 йилда Минск шаҳрида ўтказилган «Листопад» халқаро кинофестивалида «Гран-при»га лойиқ деб топилди. Сунги йилларда ўзбек кинорежиссёрлари яратган «Ибрат», «Тутқунлик», «Фариданинг 2000 кўшиғи», «Иссиқ нон», «Рангсиз тушлар», «Буюк ипак йўлида» сингари ўнлаб фильмлар бир қатор нуфузли кинофестивалларда юксак мукофотларни қўлга киритди.

2020 йил 20 март кунги пойтахтимиздаги «Адиблар хиёбони»да бир гуруҳ зиёлилар билан учрашувда муҳтарам Президентимиз шу масканда ҳайкаллари бунёд этилган 24 нафар шоир ва адибнинг ҳар бири ҳақида бадийи ва ҳужжатли фильмлар суратга олишни тақлиф

қилган эдилар. Ўтган вақт ичида қатор олий ўқув юрталари, ҳамкор ташкилотлар кўмағида «Халқ юраги» номи 24 қисмдан иборат ҳужжатли телесериал суратга олинди. Шунингдек, «Муҳаббат баҳори», «Йўлбарсинг туғилиши», «Муқимий», «Саид билан Саида», «Бехбудий», «Авлоний» сингари бадийи фильмлар яратилди. Алишер Навоий, Абдулла Орипов сингари буюк шоирларимиз ҳақида бадийи фильмларни суратга олиш ишлари бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ, ўтган йилнинг 28 сентябрь-3 октябрь кунлари салкам чорак асрлик танаффусдан сўнг «Буюк ипак йўли» Тошкент халқаро кинофестивали 13-мартаба ўтказилди. Унда дунёнинг қарийб 50 мамлакатидан 300 дан зиёд санъат усталари, жаҳон кино юлдузлари тақлиф этилди. Кинофестивалда миллий кинематографиямиз вакиллари ҳам ўз ижод намуналари билан муносиб иштирок этишди.

2021 йил 28 август кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрида С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия Давлат Кинематография институти филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган эди. 1 октябрь кунги мазкур филиал ўз фаолиятини бошлади. Ноябрь ойидан мазкур институтда 60 нафар талаба кинодраматургия ва продюсерлик йўналишларида таълим олмоқда.

Кейинги йилларда ко-продукциялар – ҳамкорликдаги кинолойihalарни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Турли идоралар ва ташкилотлар, хусусий студиялар, телеканаллар билан ҳамкорликда ҳужжатли, бадийи ва анимацион фильмлар, сериаллар суратга олиш йўлга қўйилди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда янги киномаҳсулотлар яратиш ишлари давом этмоқда.

Ҳозирга қадар россиялик кино усталари билан ҳамкорликда, «Парининг совгаси», «Қўёш таъми», «Барон-2» фильмлари яратилди. Ҳиндистонликлар билан «Заҳриддин Муҳаммад Бобур», туркиялик киноижодкорлар иштирокида «Амир Темур», «Беларусфильм» ҳамкорлигида «Қазбек», «Ўзбечка», «Тожиқфильм» билан биргаликда «Жомий ва Навоий», «Нотаниш юлдуз» кинолойihalари устида иш олиб борилмоқда. Афсуски, мақолада булар

ҳақида бир оғиз ҳам сўз бормаган. «Ақинча, гўё миллий кино санъати жиловни етти ёт бегоналар қўлига бериб қўйилгандек», дея таассуф билдирилган. Аммо муаллиф «етти ёт бегоналар» ким экани, қай даражада бегоналиги-ю қандай «бегоналик» қилаётгани ҳақида лом-гим демайди. Аниқ ҳақлар бўлганида, улар юзасидан ҳам ўз мулоҳазаларимизни билдирган бўлардик...

Мақола тепасидаги коллажда, тантанавор сарлавҳа ёнида Кинематография агентлиги раҳбари ва агентликка алоқаси бўлмаган сериал ва фильмларнинг постерлари жойлаштирилиши ҳам мантқиққа зид. Мақолада киноижодкорлар ўта умумий тарзда «хиёнат»да айбланади-ю, хоин кимлиги ва у қандай хиёнатга қўл ургани асослаб берилмайди.

Қолаверса, мақолада курсатиб ўтилган киномаҳсулотлар, ишора қилинган сюжетлардан ҳеч бирининг Кинематография агентлигига алоқаси йўқ. Мақолада илгари сурилган санақли мисолларда ҳам ноаниқликлар, пала-партиш фикрларни учратамиз: «Шу ўринда адабий тил меъёрларига амал қилинмаган сериалларни «Миллий сериал» дея даъво қилишаётгани ҳам таажубланарлидир. Бу ҳолат нафақат хусусий телеканаллар буюртмаси асосида суратга олинган сериалларда, балки МТРКнинг баъзи каналларида ҳам кўзга ташланыпти. Аксарият сериалларда диалоглар жуда жўн, уларда бадийлик етишмайди. Кези келганда айтиш кераки, «Севимли» каналида намойиш этилган «Сизсиз ўтмас кунларим» сериалида режиссёр қўриқдаги хатоларни четлаб ўтган. «Исканжа» сериалида эса мантқиқан бир-бирига тўғри келмайдиган ҳолатлар кўп».

Хўш, адабий тил меъёрларига қайси сериалларда амал қилинмапти? Аниқ мисоллар борми? МТРК телеканаллари ҳақида сўз кетганда, нега «Севимли» тилга олинмапти? Қолаверса, телеканал маъмурулари билан боғланганимизда «Сизсиз ўтмас кунларим», «Исканжа» сериаллари бу телеканалда умуман намойиш қилинмаганини айтишди.

Тўғри, Президентимизнинг қўрида зикр этилган фармонига мувофиқ, хусусий телеканаллар билан ҳамкорликда сериаллар суратга олиш кўзда тутилган. Ўтган вақт мобайнида «Менинг юртим» телеканали билан биргаликда 120 қисмли «Қодирхон» сериали суратга

олинди. «3ўр ТВ» телеканали билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш ходимлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Нажоткорлар», «Севимли» телеканали билан эса «Орзулар палатаси» сериаллари экран юзини кўрди. Шунингдек, «Ибрат», «Авлоний», «Маҳмудхўжа Бехбудий», «Сабур садақат» каби бадийи фильмлар ҳам сериал кўринишида қайта ишланди.

Бирок, хусусий телеканаллар мустақил равишда ишлаб чиқарган, қайсидир режиссёр ёки продюсер пул ишлаб топиш мақсадига сийқаси чиққан, тийқисиз мавзуларда суратга олиб, интернетга жойлаган сериал ёки фильм учун ҳам Агентлик раҳбарияти ёхуд Бадийи кенгаши жавоблар бўлавермайди. Шундай «асарлар муаллифларининг «жиловини тортиш» ҳам Агентлик ваколатига кирмайди. Бу масалага мақолада, ёзувчи Абдуқасим Йўлдошнинг интервьюсида ҳам жавоб берилган: «...Бирон расво, «танқиддан тубан» кино олган режиссёрчаларни танқид қилса, у «мен тадбиркорман!» Сарфлаган бир сўмимни икки сўм қилиб чиқариб олишим керак» деб томоқ йиртади». Муаллиф масалага оидинлик киритмоқчи экан, худди ўша «режиссёрча»ларни ҳам баҳсга чорлаши, мақсад-муддаоларини очиб бериши керак эди.

...Бугунги кунда кино тарғиботи, кино бозори биз қабул қилиб ўрганган тушунчалар доирасидан аллақачон чиқиб кетиб улгурган. Ҳозир қўпчилик томошабинлар кино кўриш учун мақолада таъкидланганидек, навбатда туриб чипта сотиб олмайди. You Tube, Netflix, Amazon, Premier, КиноПоиск, сингари платмофрмалар, сайт ва порталларда исталган фильмини юклаб олиши ёки бемалол томоша қилиши мумкин. Шундай экан, мавзунинг атрофлича ўрганмасдан, асосиз равишда бутун бошли тизим вакиллари ва раҳбариятини «Хиёнат»да айблаш аслида журналистика масъулиятига, қаламга, сўзга нисбатан хиёнат эмасмикан?

Такрор бўлса ҳам айтаемиз: биз танқидга қарши эмасмиз, эркин, ҳолис ва асосли фикр-мулоҳазалар тарафдоримиз. Шу боис, кинематография соҳасида чуқур таҳлилга асосланган материаллар тайёрлаш истагида бўлган журналист ва блогерлар учун Кинематография эшиги ҳар доим очиқ эканини яна бир қарра эслатиб ўтаемиз.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги матбуот хизмати

3 июнь – «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топган кун!



Сарвар ОТАМУРОВОВ, партия фахрийси

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг бошқа сиёсий партиялардан фарқи бу – унинг тарихимизда рўй берган воқеа ҳодисаларни кўрсатиш, уларни рўй-рост талқин этиш орқали юртдошларимизга сабоқ беришидир. Партиямиз, шунингдек,

илгари сураётган ғоя ва ташаббуслари билан келажакимизнинг янада фаровон бўлишига ҳам улкан ҳисса қўшмоқда. Энг муҳими, халқимиз ва миллатимиз дилидаги армонлар ҳамда орзу умидларини миллий ғояларга сингдирапти. Шу маънода, партия миллионлаб

юртдошларимиз ҳаётида жуда катта рол ўйнапти. Ўтмишда миллатимизнинг ўрни қандай бўлган, келажакда қандай бўлиши керак, деган саволларга ҳам партиямиз фаолияти мисолида жавоб топаёпмиз. Бугунга келиб «Миллий тикланиш» ғоялар, хусусан, таълим ва тарбия

билан боғлиқ ташаббуслар давлатимиз ривожини, халқимиз фаровонлигига ҳам хизмат қилаётган. Яъни, юртимизда амалга оширилаётган тўб ислохотларда «Миллий тикланиш» тобора мустаҳкам ўрин эгалляпти. Қувонарлиси, партия миллатимиз тарихи ва

қадриятларимизга таянган ҳолда иш олиб борапти. Албатта, бундан барчамиз хурсанд бўлишимиз керак. Фурсатдан фойдаланиб барча партиядошларимизни партиямиз ташкил топган кун билан муборакбод этаман. Юртимиз тинч ва осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!



КЎЗГУШНИНГ ҚОРАМТИР ТОМОНИГА КАРАБСИЗДА

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ўзбекистон Кинематография
агентлиги жамоаси!**

«Миллий тикланиш» газетасининг 18 май 17-сонига эълон қилинган «Хиёнат» сарлавхали мақоламизга жавоб тарзида йўлланган раддиян-гизни ўқиб, очиги тезкор муносабатингиздан, умуман ташкилотингизда гапирадиган ва ёзадиган, энг муҳими, ОАВ билан мулоқот қиладиганлар борлигидан қувондик. Чунки бугунги ўзбек кинематографияси фаолияти, соҳа фидойиларининг захматли меҳнатлари, шунингдек, хусусий телеканаллар буюртмасига биноан суратга олинган ва олинаётган фильмлар ҳақида мақола ёзиш мақсадида агентлик мутасаддилари билан 30 мартабадан ортиқроқ боғланишга ҳаракат қилдик. Натижа бўлавермагач, ҳар қалай нуфузли агентлик бўлса, ижодкорлари балки тасвирга олиш жараёнида ёки ундан ҳам муҳимроқ мажлисотларда бандирлар, деган ўйда март ойининг ёмғир шаррос қуяётган кунларидан бирида минг истиҳола билан агентлик эшигини тақиллатдик. Бизни Бобур Расулов исмли самимий ва жуда маданиятли бир киши кўтиб олдилар. Мақсад-муддаомизни эшитиб, қўшни бинода жойлашган матбуот хизмати бўлимига олиб бордилар. У ерда ҳам ниятимизни эринмай баён қилдик. Ҳозирга қадар россиялик кино усталари билан ҳамкорликда, «Парининг совғаси», «Қуёш таъми», «Барон-2» фильмлари яратилди. Ҳиндистонликлар билан «Захириддин Муҳаммад Бобур», туркиялик киноижодкорлар иштирокида «Амир Темури», «Беларусфильм» ҳамкорлигида «Қазбек», «Ўзбекча», «Тожиқфильм» билан биргаликда «Жомий ва Навоий», «Нотаниш юлдуз» кинолойиҳалари устида иш олиб борилмоқда» деган маълумотингиз ҳам қўлимизга етиб келмади. Сизлар эса яна таъна қилиб: «Афсуски, мақолада булар ҳақида бир оғиз ҳам сўз бормаган» дебсиз.

Тўғри, агентликдан жавоб ололмаганимиздек интернетдан ҳам Сиз тилга олган 100 та кино ҳақидаги маълумотларни топмадик. Аммо нима бўлганда ҳам «Хиёнат» мақоласидан кўзда тутилган асл мақсад бутунлай бошқа эканини тушуниб турибсиз, деган умид-даимиз. Чунки аччиқ ҳақиқат шуки, узоқ йиллар давомида Сиздек улкан салоҳият ва имкониятга эга бўлган ўнлаб ташкилотларнинг лоқайдлигини, хатосини ёхуд узоқни кўра билмагани оқибатидеми шундоқ ҳам маънавиятдан атайлаб йироқлаштирилган ёшларнинг катта бир қисмини интернет кучоғига улоқтириб бўлдик. Ишончимиз комилки, бу кўпчилик қатори агентликнинг юзлаб виждони уйғоқ ходимларини ҳам қийнаётган масаладир.

Янги авлод вакилларига таълим-тарбия берувчиларнинг ўзлари тарбия ва таълимга муҳтож бўлиб қолганлари етмаганидек, мафкура «полигон»ларининг Сиздек аскарлар ҳам жанг майдонларини жимгина тарк этганлари жамиятимиз учун қанчалар қимматга тушганини энди-энди ҳис этияпти. Тўғри, бундай хатолар агентликнинг бугунги раҳбарларигагина тегишли эмас. — Аччиқ бир ҳақиқатни тан олайлик: нима учун халқимиз ханузгача «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» ёки «Суюнчи», «Маҳаллада дув-дув гап», «Келинлар кўзғолони», «Тошкент нон шаҳри» каби собиқ иттифоқ даврида суратга олинган фильмларни севиб томоша қилмоқдалар. Чунки уларда аниқ мақсад ва гоё бор, эзгу гоёлар сингдирилган кинолар ўз даврининг мафкурасига хизмат қилган. Ушанда кино санъати ва санъати ходимлари ҳам ўз нонларини ҳалоллаб еганлар, десак хато бўлмайди. Бугун замонлар, одамлар дунёқарашини ўзгарган бўлсада, юқоридаги киноларга бўлган қизиқиши сўнмаяпти. Дунё ўзгараётган, сония сайин кўз қўриб, қулоқ эшитмаган «кашфиёт»лар қилиниб, осмонда икки қуёш порлаган замонларга етиб келган бўлсада, киноасарларнинг жамиятдаги гоёвий, мафкуравий вазиғаси асло ўзгаргани йўқ, назаримиз.

Сир эмаски, бугун ҳар биримиз ёшлар онгини чирмаб олаётган, уларнинг умрини ўғирлаётган «ўргимчак түри»нинг қиёслаб бўлмас зарарини ҳис этиб яшайпмиз. Аммо фарзандларимизни бу тўрдан узоқроқ тутиш ёки ундан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан овора бўляпмиз, уларга ҳеч бўлмаса арзирли кинолар, жўяли асарлар тақдим этишга келганда «бунда менинг айбим йўқ» дея баҳона излашга тушяпмиз.

Яна бир гап: Айтингни, киночилар тили билан айтганда жуда оғир меҳнат ва куч сарфланган 2020 йилда суратга олиш ишлари бошланган 120 қисмли «Қодирхон» сериали бугунги ёшларимизга нима берди? Шу каби кўплаб сериаллар телеканаллар буюртмасига асосан, ҳамкорликда суратга олинган бўлсада, кўпинча хусусий телеканалда эфирга узатиладиган шу каби сериаллар ҳақида гап кетганда, уни кимлардир даромад учун суратга олган, бунга агентликнинг «алоқаси йўқ» бўлади. Сизнингча, соҳанинг тажрибали мутахассислари буюртмасига асосан олинадиган сериалларнинг суратга олиш жараёнини ўз назо-

умид қилдим ва сиполик билан, меҳр билан ваъда берган ходимларингизга ишондим...

Агар ўшанда кимдир бизга қуруққина бўлса-да, «Биргина 2021 йилнинг ўзида агентлик буюртмасига асосан 100 дан ортиқ киномаҳсулот яратилди», деганида ҳам балки мақола мазмунини ўзгарган бўлармиди?

Икки ой мобайнида эса ҳеч бўлмаганда Сиз раддиянгида келтирган: Ҳозирга қадар россиялик кино усталари билан ҳамкорликда, «Парининг совғаси», «Қуёш таъми», «Барон-2» фильмлари яратилди. Ҳиндистонликлар билан «Захириддин Муҳаммад Бобур», туркиялик киноижодкорлар иштирокида «Амир Темури», «Беларусфильм» ҳамкорлигида «Қазбек», «Ўзбекча», «Тожиқфильм» билан биргаликда «Жомий ва Навоий», «Нотаниш юлдуз» кинолойиҳалари устида иш олиб борилмоқда» деган маълумотингиз ҳам қўлимизга етиб келмади. Сизлар эса яна таъна қилиб: «Афсуски, мақолада булар ҳақида бир оғиз ҳам сўз бормаган» дебсиз.

Тўғри, агентликдан жавоб ололмаганимиздек интернетдан ҳам Сиз тилга олган 100 та кино ҳақидаги маълумотларни топмадик. Аммо нима бўлганда ҳам «Хиёнат» мақоласидан кўзда тутилган асл мақсад бутунлай бошқа эканини тушуниб турибсиз, деган умид-даимиз. Чунки аччиқ ҳақиқат шуки, узоқ йиллар давомида Сиздек улкан салоҳият ва имкониятга эга бўлган ўнлаб ташкилотларнинг лоқайдлигини, хатосини ёхуд узоқни кўра билмагани оқибатидеми шундоқ ҳам маънавиятдан атайлаб йироқлаштирилган ёшларнинг катта бир қисмини интернет кучоғига улоқтириб бўлдик. Ишончимиз комилки, бу кўпчилик қатори агентликнинг юзлаб виждони уйғоқ ходимларини ҳам қийнаётган масаладир.

Янги авлод вакилларига таълим-тарбия берувчиларнинг ўзлари тарбия ва таълимга муҳтож бўлиб қолганлари етмаганидек, мафкура «полигон»ларининг Сиздек аскарлар ҳам жанг майдонларини жимгина тарк этганлари жамиятимиз учун қанчалар қимматга тушганини энди-энди ҳис этияпти. Тўғри, бундай хатолар агентликнинг бугунги раҳбарларигагина тегишли эмас. — Аччиқ бир ҳақиқатни тан олайлик: нима учун халқимиз ханузгача «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» ёки «Суюнчи», «Маҳаллада дув-дув гап», «Келинлар кўзғолони», «Тошкент нон шаҳри» каби собиқ иттифоқ даврида суратга олинган фильмларни севиб томоша қилмоқдалар. Чунки уларда аниқ мақсад ва гоё бор, эзгу гоёлар сингдирилган кинолар ўз даврининг мафкурасига хизмат қилган. Ушанда кино санъати ва санъати ходимлари ҳам ўз нонларини ҳалоллаб еганлар, десак хато бўлмайди. Бугун замонлар, одамлар дунёқарашини ўзгарган бўлсада, юқоридаги киноларга бўлган қизиқиши сўнмаяпти. Дунё ўзгараётган, сония сайин кўз қўриб, қулоқ эшитмаган «кашфиёт»лар қилиниб, осмонда икки қуёш порлаган замонларга етиб келган бўлсада, киноасарларнинг жамиятдаги гоёвий, мафкуравий вазиғаси асло ўзгаргани йўқ, назаримиз.

Сир эмаски, бугун ҳар биримиз ёшлар онгини чирмаб олаётган, уларнинг умрини ўғирлаётган «ўргимчак түри»нинг қиёслаб бўлмас зарарини ҳис этиб яшайпмиз. Аммо фарзандларимизни бу тўрдан узоқроқ тутиш ёки ундан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан овора бўляпмиз, уларга ҳеч бўлмаса арзирли кинолар, жўяли асарлар тақдим этишга келганда «бунда менинг айбим йўқ» дея баҳона излашга тушяпмиз.

Яна бир гап: Айтингни, киночилар тили билан айтганда жуда оғир меҳнат ва куч сарфланган 2020 йилда суратга олиш ишлари бошланган 120 қисмли «Қодирхон» сериали бугунги ёшларимизга нима берди? Шу каби кўплаб сериаллар телеканаллар буюртмасига асосан, ҳамкорликда суратга олинган бўлсада, кўпинча хусусий телеканалда эфирга узатиладиган шу каби сериаллар ҳақида гап кетганда, уни кимлардир даромад учун суратга олган, бунга агентликнинг «алоқаси йўқ» бўлади. Сизнингча, соҳанинг тажрибали мутахассислари буюртмасига асосан олинадиган сериалларнинг суратга олиш жараёнини ўз назо-

ратига олиб, унга миллий гоёни сингдириш, маънавий савиясини янада ошириш ҳақида тавсиялар киритиши мақсадга мувофиқ бўлмаймиди?!

Тан олайлик, қачонки яхши ёки ёмон асар учун ҳам бирдек жавобгар эканимизни ҳис эта бошласакки, бирор натижага эришишимиз мумкинлини ҳис этолмайпмизки, демек тўғри йўлда эмасмиз.

Раддияда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кино санъати ва санъатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармо-

ломаларимиз, Ватанимиз тарихи, маданий меросимизни тарғиб этишга бағишланган ўнлаб фильмлар суратга олинди. Биргина, 2021 йилнинг ўзида Агентлик буюртмасига асосан 100 дан ортиқ киномаҳсулот яратилди. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, Иккинчи Жаҳон урушида, жанг майдонларида ўзининг 5 нафар фарзандини йўқотган ўзбек аёли Зулфия Зокирова ҳаёти ҳақида яратилган «Илҳақ» шунчалар узунмидики, агентлик икки ойда ҳам шу саволга жавоб бера олмас. Қолаверса, 2020 йил 9 май куни тақдироти ўтказилган «Илҳақ» фильмининг 2021 йилда суратга олинган кинолар қаторида санаш, у қадар тўғри эмас, менимча.

Янги Ўзбекистонда ахборот эркинлиги тўла таъминланган, ошқоралик

сиёсати олиб борилаётган бўлса-да, битта киноасар учун давлат бюджетидан қанча маблағ сарфланди, шунга яраша кинокартина бўлди? Халқ ҳузурланиб кўрмаган, томошабин эътирозларига сабаб бўлган айрим кинофильмлар учун «хайф» кетган миллиардлар жавоби қандай берилди ёки берилади?! Ахир миллий кино санъатини ривожлантириш, бутун дунё тилларига тажрима қилиниб, Ўзбекистонни танитишга хизмат қиладиган кинолар яратилиши учун давлат бюджетидан ажратилаётган миллиардлар кам маблағ эмас. Соддароқ айтганда, бу аҳолидан олинган солиқлар ҳисобига агентлик ишлаяпти, ходимлари оила боқаяпти, қиммат-қиммат павильонларда, замонавий саҳналарда ижод қилишяпти, деганидир. Аммо қачондан бошлаб солиқ тўловчиларни қаноатлантирадиган фильмлар суратга олиниши ханузгача номаълум...

Яна қайтарамиз: мақолада асосий эътибор агентлик фаолиятини қоралаш ёки хусусий телеканалларда эфирга узатилаётган сериаллар учун агентлиكنи айблаш эмас, аксинча, тажрибали, маънавиятли, билимли мутахассислар меҳнат қилаётган бир тизимнинг жамиятимизда ёшлар онгини ёт гоёлар билан заҳарлашга уринаётган радикал, бузғунчи кучларга қарши маърифат билан жавоб беришдаги позицияси тўла сезилмаётганига қаратилган эди. Мақолага «Хиёнат» деб сарлавҳа танлаш орқали соҳа вакилларининг жамиятга етказилган маънавий зарарларинигина иддао қилиш эмас, балки аксарият кино ижодкорларимизнинг «маънавий майдон»да ўрнилари тобора пасайиб бораётганига ишора қилдик.

Айни пайтда ҳам ушбу фикрни тақдорлашдан чўчимаймиз: Янги авлод вакилларига таълим-тарбия берувчиларнинг аксарият қисми таълим-тарбияга муҳтож бўлиб қолганлари етмаганидек, мафкура «полигон»ларининг Сиздек аскарлари ҳам жанг майдонларини жимгина тарк этганлари жамиятимиз учун қанчалар қимматга тушганини энди-энди ҳис этияпти. Тўғри, бундай хатолар агентликнинг бугунги раҳбарларига тегишли эмас, «мерос» бўлиб қолган, десак муволажа қилмаган бўламиз. Лекин бу каби хатоларни тузатиш учун уларда вақт бор, имконият бор.

Мухтасар айтганда, ҳар бир кино тақдиротидан сўнг кино соҳаси вакилларининг доимий тақдорлайдиган бир гапи бор: «Ҳаққоний баҳонини халқ беради». Мақолада келтирилган фикрлар киномуҳлислар ва соҳа мутахассислари билан учрашиб, улар билан фикрлашиб қоғозга туширилганини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Раддиядаги анчагина кескин фикрлардан билдикки, мақола кимларнингдир эътиборига тушибди, ҳатто кимларнингдир эътирозларига сабаб бўлибди. Уйлаймизки, нега бу қадар куйиб-пишиб қоғоз қоралаганимизни эса соҳа ходимлари, ижодкорлар қалбидеги шижоат ва олов «факти» киноэкранларда намойиш этиладиган энг зўр фильмлар премьераси учун одамлар касса олдида қаторлашиб, талашиб чипта харид қилаётган, томошадан сўнгги ҳаяжон билан муҳозама этадиган кунларга етганимизда тушунасиз. Ёки энг зўр фильм томошасидан чиққан томошабин сарфлаган пулга ачинмай, дўпписини бир қоқиб, «отанга раҳмат киномисан, кино бунти» деганда ҳис этасиз.

Шу ўринда раддиядаги «...кинематография соҳасида чуқур таҳлилга асосланган материаллар тайёрлаш истагида бўлган журналист ва блогерлар учун кинематография эшиги ҳар доим очик эканини яна бир қарра эслатиб ўтамиз», деган фикрларингиз ҳақиқатга яқин бўлса, бу мавзуда янада кенгрок, сизлар таъкидлагандек мукамалроқ мақола тайёрлашга тайёр эканимизни айтмоқчимиз.

Аммо, афсуски, умумий имзо билан юборилган раддия орқали биз холис ният билан тутган кўзгуга бошқа томондан қаралганини ҳам сездик. Зеро, айтилганидек, «Аччиқ танқид, келажак меваси»дир. Ҳар доим сиз билан самимий мунозара қилишга тайёримиз ва бундан фақат хурсанд бўламиз.

Ҳурмат билан Маҳбуба
КАРИМОВА,
«Миллий тикланиш» газетаси
махсус муҳбири

АЧЧИҚ БИР ҲАҚИҚАТНИ ТАН ОЛАЙЛИК:
нима учун халқимиз ханузгача «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» ёки «Суюнчи», «Маҳаллада дув-дув гап», «Келинлар кўзғолони», «Тошкент нон шаҳри» каби собиқ иттифоқ даврида суратга олинган фильмларни севиб томоша қилмоқдалар.

нига мувофиқ, миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган. Хусусан, ушбу ҳужжатда жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзулардаги фильмлар суратга олиш вазиғаси қатъий белгиланган бўлса-да, негандир Кинематография агентлигининг бу борадаги амалий ҳаракатлари кўзга ташланаётгани йўқ» жумласига жавобан: «Кейинги йилларда Президентимиз тавсияларига асосан кўплаб буюқ ал-

криттан мукофотлардан хабаримиз бор ва «Хиёнат»да бу кинофильмнинг қуришга арзийдиган киноасар эканини эътироф этганимиз. Аммо шундай киноасарларимиз рўйхати шунчалар узунмидики, агентлик икки ойда ҳам шу саволга жавоб бера олмас. Қолаверса, 2020 йил 9 май куни тақдироти ўтказилган «Илҳақ» фильмининг 2021 йилда суратга олинган кинолар қаторида санаш, у қадар тўғри эмас, менимча.

Янги Ўзбекистонда ахборот эркинлиги тўла таъминланган, ошқоралик

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР

Кейинги пайтларда фуқаролар тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатиш, ижтимоий тармоқларга фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир фото ва видеолавҳалар жойлаштириш оидий ҳолга айланди, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шуларни назарда тутиб, Конституциямизнинг 27-моддасини «Ижтимоий тармоқларда шахс, унинг оиласи тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатиш, фото ва видеолавҳалар орқали уларни обрўсизлантириш жиноий жавобгарликка олиб келади», деган тахрирда беришни таклиф қиламан.



Сайфулла
МАХМАТМУРОВА,
Қашқадарё вилояти
Кенгаши раиси



Махмуд
НАЗАРОВ,
Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир пайтнинг ўзида ҳам вакиллик органи раҳбари, ҳам ҳоким вазиғасини бажариб келмоқда. Яъни, улар ўзлари қарор қабул қилади ва ўзлари ижро этиб, ўзлари яна ҳисоботларни эшитади. Шу сабабдан Конституциянинг 102-моддасини, «Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари фақат ижро ҳокимиятини бажаради. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари халқ орасидан умумий ва тенг сайловлар орқали сайланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади» жумлалари билан алмаштириш пайти келди, деб ҳисоблайман.

Конституциямизда эътиқод ва диний эътиқод эркинлиги эътиборга олинган бўлишига қарамай, диний қадриятларимизни нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса сийқа гоёларни ёшларга сингдиришга уринишдан бўлак нарса эмас. Шунинг учун ҳам «Диний қадриятлар ва виждон эркинлиги кафолатланади. Диний қадриятлар суистеъмол қилинишига ва ўшлар онгига мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди», деган норманинг Конституцияга киритилиши мана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилган бўларди.



Тўлқин
ЭШБЕКОВ,
халқ депутатлари
Олмазор тумани
Кенгаши депутати

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ

(Фақат партиядошлар ўқисин!)



19 йил аввалги кечинмалари

БАЙРАМ ТАЪНАСИ

Муайян жамиятда бир неча сиёсий партия фаолият юр-таётгани шу ерда ҳаёт қайнаб турганидан, фуқаролар та-фаққурида сиёсий позиция-лар шаклланишидан, сиё-сий позициялар партиялар қиёфасида жамиятнинг му-айян қатлами ташкил эт-ганидан далолат беради. Бу ҳол кенг фуқаролар ом-маси жамиятни ислоҳ этишда фаол иштирок этаётганини кўрсатувчи муҳим демократик шартлардан бири ҳамдир.

Шундай экан, нима сабаб-дан бизда бир неча партия мавжуд бўлишига қарамай мана шундай жўшқин жараён кўзга ташланмаяпти? Ҳар бир сиёсий партия жамият-даги ислохот жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилган самаралироқ чо-раларни амалий дастурлар сифатида тақдим этмаяпти?

Бунинг бош сабаби, бизда сиёсий партиялар мавжуд, ҳолос. Улар мавжуд бўлиб туриш, яъни йўқолиб кетмас-лик учунгина курашишдан на-рига ўтолмаяпти. Ваҳоланки, мавжуд бўлиш ва фаолият юритиш деган тушунчалар ўртасида осмон билан ерча тафовут бор.

Давлат, жамият, халқ, пар-тия, фуқаро... ўртасидаги

мутаносиблик, уйғунлик, му-возанат ва ҳамкорлик бораси-даги кемтикларни тарози пал-ласига қўйиб, обдон мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бозор муно-сабатларига ўтиш даврида, назаримда, ҳаёт ниҳоятда конкретлашиб кетди. Одам-лар гоёлар ва эзгу ният-лардан нарига ўтмайдиган, порлоқ келажакда эришила-жак маъмуриликни эмас, ҳатто эрта-индин кулиб боқажак иқболни эмас, бугунги нақд манфаатни кўзламоқдалар.

Партия кишилар психо-логиясидаги шунга ўхшаш ўзгаришларга таянмоғи, улар-дан куч олмоғи ва уларни сиёсий йўналишга айлантира билмоғи керак.

Илм-маърифатга асос-ланган зиёли турмуш тарзи халқимиз тийнатидаги азалий ва бебаҳо қадрият эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай яшаш ҳар қандай замонда, жумладан, ҳозир ҳам миллат шаъни, шавкати тикловчи ўлмас куч бўлиб қолаверади.

Партиямиз шу гоёни илгари сурмоқда, халқимизнинг шу гоё теварагида жипслашган салмоқли қатлами вужудга келтириш йўллари изла-моқда. Бироқ бу ёрада фал-лон ишни қойиллатиб қўйди, деб айтишга тил бормаиди. Саккиз йилдирки, ҳарчанд

тарғиб-ташвиқ қилинмасин, «Миллий тикланиш»га аъзо бўлсам ҳаётим яхшиланиб кетади ёхуд бирон оғирим енгиллашади, деган ишонч-этикод билдирган кимса-ни учратмадим. Ваҳоланки, партия аъзолари орасида Олий Мажлис депутатлари кўпайди, фракция ташкил топди.

Бундай ҳолатнинг сабаб-лари кўп, албатта. Фаоли-ятни жонлантириш учун... мавжудлик босқичидан фа-олият юритиш босқичига кўтарилиш шарт! Ички мо-лиявий-дастурий муаммолар ечимини тополмай ўз ёғига ўзи қовурилишидан халос бўлолмаётган партия тевара-ги катта кучларни жипслан-тириши, жамият миқёсидаги муаммолар ечимини топиш қасдига бел боғлаши мушкул.

... Партиямизнинг 8 йил-лиги муносабати билан саф-дошларни силлиққина таб-риклаб қўя қолиш осонроқ эди аслида. Бироқ партия-мизга фидойи ва садоқатли дўстларимиз жиндеккина ошқора таъна замиридаги тиза ниятни табрик ва даъват сифатида қабул этишларига ишонч билдириб,

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

БОР КУЧ ВА ИМКОНияТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ЭТАВЕРАМИЗ

«Миллий тикланиш» демократик партияси ўтган йиллар давомида жамиятда ўз ўрнига, ўз овозига эга бўлган мустақкам сиёсий кучга айланди. Энг асосийси, партиямизнинг давлат ва жамият қурилишидаги роли йилдан йилдан ортиб бормоқда. Партия ўзининг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва илгари суриш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётининг янада юксалиши учун фаол ҳаракат қилмоқда. Партия доимо ўз электоратининг интилиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришни, уларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлашни, аъзоларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб ҳисоблайди. Бинобарин, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни нафақат қўллаб-қувватлаётган, балки уларнинг фаол ташаббускори сифатида ҳам илдам қадам ташляётган. Партиямизнинг барча бўғинларидаги фидойи вакиллари, айниқса, депутатларимиз бундан буён ҳам миллий юксалиш йўлида ўзларининг бор имконият ва кучларини сафарбар этаверадилар. Фурсатдан фойдаланиб, барча партиядошларимизни қутлуғ 27 ёшлари билан муборакбод этаман!



Тажибай РОМАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Жўқорой Кенгесдаги партия фракцияси раҳбари

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР

Амалдаги Конституцияда умумий ўрта таълим мажбурий, бепул ва мактаб ишлари давлат назоратида экани мустақкамлаб қўйилган. Бизнингча, Бош Қонунимизга «Бепул мактабга таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактабга таълим ишлари давлат назоратидадир», деган норма киритилса, минг-минглаб юртдошларимиз кўнглидаги иш бўларди.

Яна бир тақдир: маълумки дунёнинг кўплаб мамлакатларида бир жинслилар никоҳига қонунан розилик берилма бошланди. Бу, шубҳасиз, ўша давлатларда қадриятлар илдизи қовжираб бўлганидан далолат беради. Ана шундай иллатлар бизга яқинлашмаслигини эътиборга олиб, Бош Қомусимизга «Никоҳ тўлақонли эркак ва аёлнинг ихтиёрий розилиги билан пайдо бўладиган жамият», жумласини киритиб қўйиш зарур деб ҳисоблайман.



Ҳамиджон ОМАНОВ, Андижон вилояти Кенгаши раиси

Таълим



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган Президент мактаблари халқимизнинг, айниқса, ота-оналар, педагоглар, ўқувчи-ёшларнинг ишончи ва эътирофи, эътиборини қозониб улгурди. Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларга қабул жараёнлари қандай кечади? Мазкур агентлик директори Хилола УМАРОВА бу ҳақда қуйидагиларни сузлаб берди.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ

ЁШЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БИЛИМ ОЛИШЛАРИ УЧУН КАТТА ИМКОНияТ

– Мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислохотларда таълим соҳасидаги туб ижобий ўзгаришлар алоҳида ўрин эгаллайди. 2019 йилда Юрт-бошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган Президент мактаблари ёшларнинг тўқис, халқаро стандартлар асосида билим олиши йўлидаги амалий эътиборнинг ёрқин намуна-сиридир. Агар дастлабки йилларда ушбу мактабларда ўқиш истагида бўлган ёш-ларнинг 30 минг нафаридан мазкур мактабларга ҳужжат келиб тушган бўлса, ўтган йилги мазкур кўрсаткич 103 минг нафарни ташкил этди. 2022 йилнинг 14 апрель кунини давлатимиз раҳбарининг «Президент таълим муассасалари агентлиги тизими-даги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги фар-мони имзоланди. Унга қўра, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида 193 та ихтисослаштирил-ган мактабларни ташкил этиш белгиланган. Шундан 2022/2023 ўқув йилида 168 та ихтисослаштирилган мак-таблар фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Ушбу мактабларда 2022/2023 ўқув йилида аниқ фанлар йўналишига қабул 5-11-синфларга, кейинги ўқув йилларида тегишли

тартибда 5-синфга танлов асосида амалга оширилади. Табиий фанлар йўналишига 7-11-синфларга, кейинги ўқув йилларида эса қабул 7-синфларга танлов асосида ўқувчилар қабул қилинади. Ихтисослаштирилган мак-табларга ўқувчиларни қабул қилиш аниқ ва табиий фанлар, хорижий тиллар ҳамда мантиқий фикрлаш бўйича ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижаларига қўра амалга оширилади.

Агентлик тизимидаги мак-табларга киришда қандай имтиёзлар мавжуд, деган сав-вол хусусида тўхталадиган бўлсак, агентлик томонидан тасдиқланган халқаро, минтақавий ёки асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичида ғолиб бўлган умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич про-фессионал таълим муас-сасалари ўқувчилари ўзи таълим оладиган ҳудудда жойлашган Агентлик мактаб-ларига умумий қабул пара-метрлари доирасида кириш имтиҳонисиз ўқишга қабул қилинади.

Таълим жараёнида Cambridge Assessment International Education таш-килоти билан ҳамкорликда халқаро (International Advanced Levels) дастур-лар талабларига мувофиқ ўқувчи ва педагог кадрлар-нинг STEAM фанлари бўйича билим ва кўникмаларни

баҳолаш ҳамда уларга халқаро даражадаги AS ва A-LEVEL сертификатлари-ни бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Айтиб ўтиш керакки, янги ихтисослаштирилган мак-табларда аниқ ва табиий фанлар билан бир қаторда Ўзбекистон тарихи фани ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Шунингдек, сунъий интеллект, робототехни-ка, агротехнология, нано-технология, биотехнология, IELTS, TOEFL ва SAT бўйича қўшимча курслар ташкил этилиши кўзда тутилди.

М а м л а к а т и м и з ҳудудларида очилаётган янги ихтисослаштирилган мактаблар учун талаблар ва шарт-шароит бир хил тарзда йўлга қўйилади. Ўқувчилар фақат ўзлари ўқиётган умумтаълим му-ассасаси жойлашган ҳудуд, яъни Қорақалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ихтисос-лаштирилган мактабларга ўқишга қабул қилинади.

Жорий ўқув йилида ҳар бир Президент мактабининг 5-синфларига 24 нафардан, республика бўйича жами 336 нафар ўқувчи саралаб олинади. Президент мактаб-ларига ҳужжат топширувчи талабгорлар 2021/2022 ўқув йилида математика ва та-биятшунослик фанларидан йиллик «аъло» баҳоларга ўқиган бўлиши талаб эти-

лади. Президент мактаб-ларига талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жорий йилнинг 1-20 июнь кунлари ariza.piima.uz сайти орқали онлайн тарзда амал-га оширилаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 майдаги «Прези-дент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихти-сослаштирилган мактаб-ин-тернатлар ва ихтисослашти-рилган мактаблар тўғрисида низом»нинг 11-28-банди-да ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни қабул қилишни аниқ ва та-биий фанлар, инглиз тили фани ҳамда мантиқий фикр-лаш бўйича ўтказиладиган кириш имтиҳонлари нати-жаларига қўра амалга оши-риши кўрсатилган. Ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 24 нафардан ортқ бўлишига йўл қўйилмайди.

Ижод мактаблари 9 та ҳудудда ташкил этилган талабгорларнинг хоҳишига қўра исталган ижод мак-табларга ҳужжат топшириши мумкин. Ижод мактабларига қабул жорий йилнинг 1-20 июнь кунлари онлайн шакл-да амалга оширилади.

Шунингдек, талабгор ёки унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилла-рининг паспорт маълумот-лари, алоқа учун телефон рақами, электрон почта ман-зили ҳамда тизим орқали оферта билан танишганлик

тўғрисидаги тасдиғи ҳам талаб этилади.

Айтиш керакки, ўқувчилар бир вақтнинг ўзида Прези-дент, ижод ҳамда ихтисос-лаштирилган мактабларга ҳужжат топшириш имко-ниятига эгадирлар. Барча мактабларга ҳужжатлар <http://ariza.piima.uz/> манзи-ли орқали топширилади. 2022/2023 ўқув йилида агент-лик тизимидаги барча ижод мактабларига қабул 7-синф-га бўлиб ўтади. Мазкур мак-табларга қабул квотаси до-ирасида Абдулла Орипов номидаги ижод мактабига 40 нафар, Эркин Воҳидов номи-даги ижод мактабига 40 на-фар, Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактабига 40 нафар, Исҳоққон Ибрат номидаги ижод мактабига 20 нафар, Ҳалима Худой-бердиева ижод мактабига 40 нафар, шунингдек, Абдулла Қодирий ижод мактабига 40 нафар, Муҳаммад Юсуф ижод мактабига 40 нафар, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабига 40 нафар, Иброҳим Юсупов номидаги ижод мактаби-га 40 нафар ўқувчи қабул қилинади. Ўқув йили якун-ланганидан сўнг ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, мак-табнинг қабул квотаси ўзгартирилиши мумкин.

ЎЗА МУХБИРИ
Назокат УСМОНОВА
ёзиб олди

Ўзбек шоираси ҳақида ҳужжатли фильм олинди

Бугунги кунда ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари асарлари нафақат юртимизда, балки дунё халқлари орасида ҳам ўз ўқувчиларини топиб, хорижий давлатларда ҳам овоза бўлмоқда. Истеъдодли шоира, моҳир журанилист Хосият Рустамованинг китоблари ҳозиргача дунёнинг 17 мамлакатидан нашр этилди. Шоира бир қанча нуфузли халқаро адабий танловлар ғолиби ҳамдир. Унинг шеърлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, чет эл босма ва электрон нашрларда ҳам мунтазам чоп этилмоқда. Юртимиз адабий ва маданий ҳаётини жаҳон узра кенг тарғиб қилаётган таниқли шоира ижоди ва фаолиятига бағишланган "Хосият" деб номланган бадиий ҳужжатли фильм суратга олинди. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги "РАМСЕЛ-ФИЛЬМ" киностудияси ҳамда Озарбайжон Миллий Мажлиси маданият масалалари кумитаси, Ҳайдар Алиев номидаги Тошкентдаги Маданият маркази ҳамкорлигида олинган ушбу фильм премьераси бўлиб ўтди. Мазкур фильм Тошкентдаги Озарбайжон маданият марказида намойиш қилинди. Ўзбекистон ва Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Китоб дунёси" газетаси Бош муҳаррири Хосият Рустамова тугилиб ўсган Наманган вилояти, Чуст туманидаги Олмос қишлоғи, юртимизнинг гўзал манзараларига уйғун лирик тасвирлар фильмга ўзгача гўзаллик бахш этган. Шоиранинг адабий жараёндаги бугунги фаолияти билан боғлиқ тасвирлар томошабинларда қизиқиш уйғотади. Фильм сценарийсини Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Шойим Бўтаев ҳамда Озарбайжон Миллий Мажлиси маданият масалалари кумитаси раиси, шоира Ганира Пашаева ёзган. Фильм режиссёри Эльдар Мамедов ҳамда Элнура Касимова.



Хосият РУСТАМОВА

Огоҳлик

КИМЛАР ХАВФ ОСТИ ГУРУҲИГА КИРАДИ?



Бемор одам ва касал ҳайвонлар билан мулоқотда бўлган ҳамда чин чечакка қарши эмланмаган аҳоли маймун чечаги хавфи остида бўлиши мумкин.
— Агар Ўзбекистон ҳудудига касаллик кириб келгудек бўлса, тарқалиб кетишига ҳеч қандай асоси кўрмаймиз, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Нурмат Отабеков. — Мабодо, касаллик юртимиз ҳудудига кириб келса, беморни аниқлаш, у билан мулоқотда бўлганларни суриштириш ва уларни соғлом аҳоли қатлампидан ажратиш олиш орқали касалликни жиловлash мумкин. Ҳозирда аҳолини чин чечакка қарши эмлаш учун ҳеч қандай асос ва кўрсатмалар йўқ. Аҳолимизнинг қарийб 50 фоизига чин чечакка қарши иммунитет бор. Маймун чечагининг глобал даражада кенг кўламли тарқалиб кетишининг эҳтимоли жуда паст. Мамлакатимизга касалликнинг кириб келиш эҳтимолини инкор қилмаган ҳолда касалликнинг кенг тарқалиб кетишига сабаб кўрмаймиз.

Моҳигул ҚОСИМОВА, ЎЗА

Ибрат

ҚАРЗДОР

Ўғил ошхонада таом тайёрлаётган онасининг олдига келдида, индамайгина унинг чўнтагига букланган қоғоз солиб кетди.
Она ўғлининг айтолмайдиган гапини шу тарзда етказишини билгани учун ҳам жилмайганча, қўлларини сочикча артдида, хатжилдни очди, ва:
— Ҳовлидаги хазонларни тозаладим — 2000 сўм.
— Хонамни йғиштирдим — 1500 сўм.
— Чикиндиларни тўкиб келдим — 1000 сўм... ва ҳоказо бугун қилган ишларига тўланадиган пул миқдори ёзилган рўйхатнинг охирида:
Жами: 8000 сўм — ҚАРЗДОРСиз деб ёзилганини кўрди.
Онасини зимдан кузатиб турган бола ҳозир онам пул чиқариб беради, деб ўйлади.
Қоғозга термулганча ўйга ботган она бир пас шу алфозда турди-да:
— Тўққиз ой вужудим остидаги барча оғриқларга чидаб, жонимдан жон ажратиб сени дунёга келтирдим — ТЕКИН.
— Тўғилганингдан бошлаб

улгайғунингча ҳар бир жонинг оғриганда, бетоблигингда ҳаловатсиз ўтган барча туну кунларим — ТЕКИН.
— Ҳеч кимдан кам бўлмаслигинг, яхши ўқийинг, доимо устинг бут, қорнинг тўқ бўлиши учун қилган барча меҳнатларим — ТЕКИН...
Яқунда эса — Энг муҳими, қалбимда қайнаб чиқаётган, адоғи йўқ оналик меҳру муҳаббатим — мутлақо ТЕКИН... шу тахлит изоҳлар ёзган она жимгина қоғозни ўғлига тутқазди.
Тўрт букланган қоғозни очиб, ўқиган йигитча аввалига бошини эгди, сўнг титраган лабларини тишлаганча жим турди, охири ёш тўла кўзлари билан ўзини онасининг бағрига олди.
Пушаймонликдан елкалари силкина-силкина йиғлаётган «тадбиркор»нинг бўғзидаги сўзлар нолага айланиб, отилиб чиқди: Мени кечиринг ОНА, аслида қарзини узолмайдиган ҚАРЗДОР мен эканман... КЕЧИРИНГ...
Хонага сукунат чўккан, «ҳиқ», «ҳиқ» этган йиғи овози ҳам узоққа бормай деворларга сингиб кетарди.



Изоҳ сиздан...

СУДОКУ

	4	3	7		1		
1			5		8	7	
	8	7					2
			4	1	5		
	9				8		
2		6				3	
	7			4			9
			3		6		
5					2	1	
				7	4	9	
9		2	3	5			
	1						
		8	6	4			
	6		5				
					9	8	
	7	8	4	1			3

Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши.
Хаёлим ўзимда турганида жам.
Дунё чиқмасидан руҳимга қарши —
Ҳаёт менга қарши кўймасдан қадам.
Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши.
Топсам бўлди фақат бир шиддат...
Бир куч,
Бағримдаги юрак бўлмасдан нимта,
Сизга энди келиб қолган каби дуч —
Сизни яхши кўриб турган вақтимда —
Ҳозирнинг ўзида кетганим яхши...

Айтсам ишонмайсан — борман ҳали ҳам,
Елкамга юклаган тўрт фасл, тўрт қиш.
Ўзи бўладими, қирқ йил наридан —
Энг оғир юракни кўтариб келиш.

Чарчадим. Оғриқлар кўксимга ботди,
Бу ҳолда дунёдан ўтаман қандай?
Юрагим тўхтади бир зум — Ҳаётнинг
Қўрқинчли жойига етиб келгандай.

Ё Танграм,
Сен менга куч бер,
Бер чидам —
Худди дарахтлардай кўтарайин қад.
Ичимга қор ёғиб турганида ҳам,
Мен кулиб туришим керак ҳамма вақт.
Қушлар дарахтларни айласса ҳам тарқ,
Чидар.
Аёзлардан ўтар типпа-тик.
Шунда ҳам олмалар ёзаверар барг,
Шунда ҳам гуллаиди бечора урик.
Ураат, тошларга ҳам гапирай майин,
Аёлман!
Худойим, келтирмайин шак.
Мен ҳам дарахтлардай гуллаиверайин,
Мен ҳам дарахтлардай ёзайин қуртак.

Қарайсан!
Келдими нимадир дегинг,
Шундоқ рўпарамда куриган қоранг.
Ой, қанча уринма, барибир Сенинг —
Деразамга тушади соянг.
Ҳар кун шу
Тонг отиб-отмай,
Шабодаси келмай саҳарни,
Юзи қалин кўёш тап тортмай —
Ушлаб чиқар деразаларни.
Улашади бутун оламга —
Бор меҳрини бағишлаб боғлар.
Ялтиратиб кўйган ойнамда —
Кўёшдан ҳам қолади доғлар...

Мендан бошқа нарса сўрама... Токим —
Мен бахтли бўлишга шимарганман енг.
Мени шунча яшаб ўтган ҳаётим —
Бугунги кунимга келолмайди тенг.
Худого илтижо қиламан тинмай,
Маили кўлларимдан кетса ҳам мадор.
Бугунги кунимдан бир қадам жилмай —
Мен бахтли бўлишга турибман тайёр.

Вақт орқада қолар кимдан —
Қайда, нима ўлчанар?
Утиб борар эшигимдан
Чанг кўтарган кўчалар.
Англаб бўлмас бирор сўзин,
Йўллар йиғлаб чекса ғам.
Дарахт қушга уриб ўзин —
Пешонасин ёрса ҳам.
Шамол мендан кетар нари
Куринмасдан кўзимга.
Кўйлагининг этаклари —
Урилади юзимга.

Деярли ҳазил

Одам:
— Кўз чарчаб қоляпти,
балиқ-малиқ ёб, кўзни рав-
шанлаштирайлик!
Балиқ:
— Ў номард, телефонга
камроқ қара. Кун бўйи теле-
фонингни титкилаб ётсанг,
мендами айб!

— Уйланиш яхшими бобо?
— Яхши болам, аёлинг
дардакинг бўлади.
— Лекин мени дардим
йўқ-ку бобо?!
— Уйлансанг дардинг ҳам
бўладида, болам.

Спорт

МОУРИНЬО ҚАРОР ҚИЛДИ!

Римнинг «Рома» клуби шарафини ҳимоя қилаётган Элдор Шомуродов келаси мавсумда ҳам жамоада қоладиган бўлди. Vocesiallogossa нашрида маълум қилинишича, Шомуродовдан ташқари Эдуардо Бове ва Маттиас Вина ҳам клубда қолишади. Моуриньо уларга яна бир мавсум имкон беришга қарор қилгани айтилмоқда. Маълумки, 26 ёшли Элдорнинг «бўрилар» билан амалдаги шартномаси 2026 йилгача тузилган. Transfermarkt ҳамюртимизни 10 миллион еврога баҳоламоқда. Хабарингиз бор, Шомуродов ўтган ҳафтада ўз жамоаси билан Конфедерациялар лигасида галаба қозонди.



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер КОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАОБОВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО,
Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одиқали ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
Учтепа тумани,
Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Дониёр ТОШБОВЕВ,
Равшан МАХМУДОВ

Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ

Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА

Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқари.
Адали – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буортма – 616
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 04:10

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

ISSN 2010-7714
123456

«MILLIY
TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASI

27
YOSHDA



АЗИЗ ҚАЙУМОВ



ИБРОҲИМ ГОФУРОВ



КУРШИД ДУСТИМУХАММАД



АХТАМ ТУРСУНОВ



АЛИШЕР ҚОДИРОВ



САРВАР ОТАМУРОДОВ



ОДИЛЖОН ТОҶИЕВ



ФАРИДА БУТАЕВА



ФАРҲОД ЗАЙНИЕВ



АЛИШЕР ҚАМРАЕВ



АКМАЛ САЙДОВ



БАХТИЁР МАНИЕВ



НАЗИР СОБИРОВ



БАХТИЁР САЙФУЛЛАЕВ



ЖУМОНЗОР АТОҶОНОВ



ЗЕРКИННОН ТУРДИМОВ



ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВ



МИНҲОҶИДДИН МИРЗО



ОЛИМЖОН УСАРОВ



НОДИРБЕК ТИЛАОЛДИЕВ



ДАВРОН АРИФОВ



ЖАМШИД ҚОСИМОВ



НОДИР МУҚТОРОВ



УМИДА РАҲМОНОВА



ҚОЗИМЖОН ТОҶИЕВ



МУБОРА АҚМЕДОВА



ЗУМРАД БЕКАТОВА



АҚМАДЖОН ҒАНИЕВ



ФАРҲОДБЕК АШМАТОВ



УМИД ЖАББОРОВ



ТУРСИНОЙ МУРАТОВА



ШЕРЗОД ҚУЛМАТОВ



ШЕРЗОД ТУХТАЕВ



РУСЛАН ЖУМАМУРАТОВ



ЖАҲОНГИР ШИРИНОВ



МУҚТАБАР ҚУСАНОВА



АБДУМАЛИК АҚРАМОВ



ЖАҲОНГИР МАМАЖОНОВ



НОРБОБО СОАТОВ



ТЎЛҚИН ТЕШАБОВ



НАРИМ БАХРИЕВ



АЗАМАТ ЗИЕВ



МАХСУД МУХАММЕДОВ



САЙДУЛЛО АБДУРАЙМОВ



РАЖАПАЙ РИЗМЕТОВ



ТАНИБАЙ РОМАНОВ



САЙФУЛЛА МАХМАТМУМИНОВ



АБРОР ПУЛАТОВ



ҚАМИДЖАН ОМАНОВ



ЖАЛОЛИДДИН САФОВ



МУҚИМЖОН ҚИРБИЗБОВ



ОТАБЕК ЖИЯБОВ



ИЛҚОМ АБДУЛЛАЕВ



АНОРА БОБОМУРОДОВА



ИРОДА ДАДАҶОНОВА



ВАСИЛА ФАЙЗИЕВА



УЛУҒБЕК МУХАММАДИЕВ



АБИРА ҚУСЕЙНОВА



ФЕРУЗА МУХАММАДЖАНОВА



МИРОДИЛ АБДУРАҲМОНОВ



БАҲОДИРЖОН МАМАТХОНОВ



АНМАЛЖОН ЖУМАБОВ



ШАҲНОЗА ЖОЛДАСОВА



ИРОДА ДАДАҶОНОВА



ВАСИЛА ФАЙЗИЕВА



АКБАР АҚТАМОВ



АЗАМЖОН ТУЛАЕВ



КУРСАНОЙ ИСЛАМОВА



МУНИРА ҚОРИЕВА



ДОИНЁР ТОШБОВ



ДИЛШОД МИРЗААХМЕДОВ



ЖАҲОНГИР ЗИЕВ



ТЎЛҚИН ЗШБЕКОВ



ЁҚУТХОН МАХИДОВА



АДҲАМ МАМАТҚУЛОВ



УЛУҒБЕК ЖАЛИЛОВ



БАҲОДИР БОБОҶОНОВ



ЛОБАР АЛИЕВА



НИЛУФАР НУРМАТОВА



МАҲМУД НАЗАРОВ



ҚАМДАМ НИЗОВ



ВИЛОЯТ ШОДИЕВА



СИРҲИДДИН ПУЛАТОВ




ФЕРУЗА ЖАЛИЛОВА



ИЛҚОМ РАЖАБОВ



УЛУҒБЕК ЖАЛИЛОВ



ЎРОЛ ХАЙИТОВ



УҚТАМ ИСЛАМОВ



АЛИЖОН НУҚТОРОВ



МАҲМУРЖОН ҚУЛДОШЕВ



АБУ МУСЛИМ УСМОНОВ



АЛИШЕР АРИФОВ



КАМОЛА АБДУЛЛАЕВА



БЕКЗОД ТУРАЕВ



ЗАФАР ХОШИМОВ



ИСМАТ ХУДОЁЕВ



АҚМАД АЛАХОНОВ



УЛУҒБЕК САЙФАРОВ

MILLIY TI
DEMOKRATIK I